O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 16-mart, chorshanba * № 11 (970) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

### МАНФААТЛАР ИСКАНЖАСИ



Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш инсоният тарихидаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Йиллар мобайнида бундай курашлар кўлами, даражаси ҳамда мақсади ўзгариб борди.

⇨ 5-бет

### СКАФИРИНГУС – АМУДАРЁ АЖОЙИБОТИ

Орадан бир неча соат ўтганда эса... Амударё сувининг Термиз шаҳри ёнидан ўтган қисмида скафирингус балиғи тутиб олинади ва зудлик билан тез учар самолётда талаб қилинган жойга етказилади.



⇨ 6-бет

### СУМАЛАК – БАҲОРДАН БЕРАР ДАРАК

Келинчак баҳорнинг қутлуғ ташрифидан нишона бўлиб унган ялпизлару жағ-жағлар, момоқаймоқлардан турли таомлар тайёрланади. Қачонки, пиёлаларда товланиб турган сумалаклар келтирилганда инсон ажиб қониқиш ҳиссини туяди.



⇨ 8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

**Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонасида мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган дастурнинг устувор йўналишларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.**

9 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисини шу йилнинг 31 март куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**12 март куни Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгаши томонидан ОАВ вакиллари учун фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга бағишланган брифинг ўтказилди.**

12–13 март кунлари бутун мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари катта уюшқоқлик билан ўтказилди.

**Брюселда мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси, Европа пойтахтлари университетлари тармоғи (UNICA) билан ҳамкорликда Ўзбекистон таълим тизимининг тақдимот маросимини ўтказди.**




# ТИНЧЛИГИМИЗ ВА ФАРОВОНЛИГИМИЗ РАМЗИ



Шодиёна

Юртимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланадиган Наврўз айёмининг тарихи, келиб чиқиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Наврўз яшариш ва янгиланиш, руҳий покланиш ва камолотга интилиш байрами ҳамдир.

Ушбу айём орқали табиий ва маданий бойликларни сақлашга чорлаш, атроф-муҳитни тартибга солиш, табиатни асраш, ободонлаштириш, эл орасида ўзаро ишонч, меҳр-мурувват, аҳиллик ва биродарликни мустаҳкамлаш, қолаверса, миллатлараро ҳамжиҳатлик, тотувлик ва бағрикенгликни ривожлантириш ғоялари ҳам эзгу қадриятга айланди.

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ халқимизнинг бой қадимий тарихи ҳамда бетакрор урф-одат ва анъаналарини қайта тиклаш ва эъзозлашга киришилди. Шунинг баробарида элимизнинг миллий қадриятлари: тили, дини ва маданияти, ишонч-эътиқоди, асрлар давомида мағрур қалбида бўй чўзган азалий анъаналари қадр топди. Эндиликда азалий қадриятларни эъзозловчи муборак айёмлару фараҳбахш тантаналар, хусусан, шарқона янги йилимиз, янги кунимиз, янги орзу-ниятларимиз ибтидоси бўлмиш Наврўзи оламни юртимизда юксак эҳтиром билан нишонлаш эндиликда анъанага айланди. Наврўз айёмида одамлар бир-бирини йўқлаб, яқинлари ҳолидан хабар олади.

Зотан, азал-азалдан Наврўз холис ва эзгу ниятли кишиларнинг севимли айёми бўлиб келган ва ўша кунларда уруш-низоларга барҳам берилиб, гина-кудуратлардан кечиб юборилган. Ҳатто мазкур айёмда подшоҳларнинг айрим маҳбусларнинг гуноҳидан ўтиб, бошқа меҳнаткаш инсонларни тақдирлагани ҳақида ҳам биламиз. Бу ҳақда Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достонидан ҳам далил келтириш мумкин:

*Улусга мустаҳиқларни қилиб шод,*
*Ҳамул дам бандиларни қилди озод.*

Шунга қарамай, Наврўзни неча асрлар мобайнида бадбин ва худбинлар, жоҳил ҳукмдорлар, баъзи ақидапараст дин пешволари таъқибу таъқиқ қилганларини ҳам биламиз. Бундай калтабинлик ҳатто ҳозир ҳам – юрт тинчлигини кўролмайдиган, халқни жаҳолат ботқоғига судрамоқчи бўлган ақидапарастлар ва мафкуравий иммунитети суст бўлган онгсиз каслар орасида ҳам учраб турибди. Интернет сайтларидаги бемаъни бадбин материаллар бунга мисол. Лекин бир нарса ҳақиқатки, халқ дилига жо бўлган Наврўз барҳаёт ақл-идрок ила ҳар гал ғалаба қилиб келган.

8

**Диққат, танлов давом этмоқда!**

## ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” XI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ




**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида “Олтин қалам” XI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.**

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2015 йилнинг 1 апрелидан 2016 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2016 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

**ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР ТАЪСИС ЭТИЛГАН:**

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.**

Ғолиб махсус диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР УЧУН НОМИНАЦИЯЛАР:**

*энг яхши фоторепортаж;*

*энг яхши матбуот хизмати.*

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, “Олтин қалам” статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:**

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

**ТАНЛОВГА ЮБОРИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРГА ҚУЙИДАГИЛАР ИЛОВА ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ:**

муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);

муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2016 йил 3 майда – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни “Туркистон” саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар “Олтин қалам” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

*100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават.*
*Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87*
www.journalist.uz

Тадорик

## МУНОСИБ НОМЗОДЛАРНИ САРАЛАШ ЖАРАЁНИ

Юртимизда маҳаллаларга ўз-ўзини бошқариш мақоми берилганидан кейин бу тузилма кенг халқ оммасини давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи ўзига хос институтга айланди. Зеро, дунёда бирон бир ўхшаши бўлмаган маҳалла фуқаролар йиғини оилаларни мустаҳкамлаш, қўни-қўшничилик муносабатларида ўзаро меҳр-оқибатни, аҳиллик ва тотувликни йўлга қўйиш, фуқароларга манзилли ёрдам кўрсатишга муносиб ҳисса қўшадиган тизим сифатида жамиятда ўз ўрнини топди.




Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда, аҳолини, хусусан, ёшларни иш билан бандлигини таъминлашда уларнинг хизмати беқиёсдир. Бугунги кунда халқимиз муҳим ижтимоий-сиёсий жараён – маҳалла раиси ва уни маслаҳатчилари сайловига ўзига хос тайёргарлик кўрмоқда. Сабаби, мазкур сайлов жараёнида ҳаётий тажрибага эга, бошқарувчилик салоҳияти юксак номзодларни сайланиши келажакда маҳалла фаолиятининг самарасини белгилаб беради.

Яқинда Республика миллий матбуот марказида ОАВ ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан 2016 йилнинг май-июнь ойларида мамлакатимизда бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда сенат аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ташкилий-назорат гуруҳлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Маънавият тарғибот маркази иштирок этди.

Брифингда маълумот берилишича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йилнинг 5 мартдаги “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ўтказиладиган ушбу сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Табиийки, бу жараён жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий шароитда ўтказилаётган мазкур сайлов тадбир ташкилотчилари зиммасига катта масъулият юклайди.

2

**Муносабат**

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун яратилган барча шарт-шароитлар ўзининг ижобий самараларини бераяпти.

# ЁШ АВЛОД САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бугун Наманганни спорт соҳасида ҳам ўзига хос ютуқ ва тажрибалар вилояти дейишга асос бор. Зеро, мазкур ҳудудда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, айниқса, болалар спортини ривожлантириш, хусусан, қизларимизни спортга жалб этиш, улар ўртасида спортни оммалаштиришга устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётир.




Ҳозирги вақтда вилоятда қизларни оммавий спортга жалб этиш кўрсаткичи 47,5 фоизга етди. Замонавий спорт иншоотлари барпо этилаётгани, аёл мураббийлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилаётгани юксак натижаларнинг бош омили бўлмоқда. Қизларимизни спортга қизиқтириш, улар ўртасида спортни оммалаштириш борасида аёл мураббийлар тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратилиб, қарорлар қабул қилиниши ўзининг ёрқин самараларини бермоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг жорий йил 11 февралда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида ҳам қиз болаларни тарбиялаш, уларни спортга ошно қилиш орқали бўлажак соғлом оналарни тарбиялаш масаласига эътиборни қаратиб, қизларимизнинг спортда эришаётган ютуқларига муносиб баҳо бердилар. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, ҳақиқатан ҳам қизлар сузишда ўғил болалар билан тенг бўлиши керак. Мана, Наманганни олайлик. Ким ўйлаган эдики, Наманганнинг ватерполочи қизлари дунёни ҳайратга солади деб!? Бу биз учун тарихий воқеа. Спорт орқали биз ўзимизнинг янги тарихимизни яратаяпмиз.

Юртбошимиз фахрланиб тилга олган спортчи қизлар Наманган шаҳридаги 23-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари бўлиб, улар "Ёшлик" сув спорти мажмуасида маҳорат сирларини қунт билан ўрганаётир. Эрта тонгдан бассейн шуғулланувчилар билан гавжум бўлади. Мукаммал жиҳозланган спорт мактабида сув полоси билан бир қаторда сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш, эшкак эшиш слаломи каби йўналишларда ҳам секциялар фаолият кўрсатмоқда.

Спорт муассасасида шуғулланаётганлар бир неча бор мураббийлар ишончини оқлашди. Айни чоғда чемпионлик унвонини ҳимоя қилиш, ўтган йилга нисбатан яна ҳам кучли таркибни олиб келиши аниқ бўлган хорижлик тенгдошлари билан тенгма-тенг баҳс олиб бориш вазифаси ёш спортчиларнинг зиммасига катта масъулиятни юклайди. Ҳар томонлама чиниққан бу спортчилар бассейнда ҳам, ундан ташқарида ҳам профессионалларга монанд ҳаракат қилаётгани эътиборга лойиқ.

Бундай юқори кўрсаткичлар ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди, албатта. Бугунги кунда вилоятда 20 та сузиш ҳавзаси мавжуд бўлиб, шундан 3 таси ёпиқ ва 17 таси очиқ иншоотларни ташкил этади. Мазкур сузиш ҳавзаларининг 9 таси қишлоқ жойларида фаолият кўрсатмоқда. Уларда сув спорти турлари дастуридан ўрин олган сув полоси, сузиш, сувга сакраш, синхрон сузиш бўйича 20 та секция ва бўлимлар ташкил этилган бўлиб, 34 нафар мураббий 560 нафар қизларга спорт сабоқларини қунт билан ўргатмоқда.

Вилоятда 2016 йилда ҳам сув спорт турларини янада ривожлантириш, чекка қишлоқларда ёшларни, айниқса, қизларни сув спортига янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида Чуст туманида ёпиқ сузиш ҳавзаси қуриш ишларига киришилмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб камол топиши, ўғил-қизларимизнинг халқаро майдонларда катта ғалабаларни қўлга киритишлари ҳамда Ўзбекистон ёшлари, жумладан, наманганлик қизларнинг ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир карра исботлайди.

**Муҳаммаджон МАҚСУДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажиси Сенати аъзоси**

# МУНОСИБ НОМЗОДЛАРНИ САРАЛАШ ЖАРАЁНИ

Бошланиши 1-бетда

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини қарори билан фуқаролар йиғинининг тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, халқ депутатлари тегишли туман, шаҳар Кенгашининг депутатидан иборат таркибда ишчи гуруҳларни тузиш режалаштирилган.

Сенат Кенгаши комиссияси аъзолари тасдиқланган режада белгиланган чора-тадбирларнинг ижросини таъминлаш, сайловни ташкилий-ҳуқуқий ҳамда техник жиҳатдан тўғри ташкил этиш ва ўтказишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, бошқа манфаатдор давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари олдида турган устувор вазифаларни бажариш, шунингдек, ОАВда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини кенг ёритиб бориш масалаларига эътибор қаратмоқдалар.

Мазкур брифингда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари, Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларининг сайловини ташкил этишга ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия раисининг ўринбосари С.Ортиқова фуқароларнинг сайловда иштирок этишга доир конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ рўёбга чиқарилиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб бериш, сайлов жараёнларидаги барча иштирокчиларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этишига эришиш муҳимлигига эътибор қаратди.

**Малика АҲМЕДОВА**

# ТАДБИРКОРНИ ҚОНУН ҲИМОЯ ҚИЛАДИ,

## фақат ундан хабардор бўлиш керак

**Такомиллашаётган қонунчилик**

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолиятига нисбатан ҳар қандай тўсиқни бартараф этишда қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиш ва уларнинг ижросини бир хилда таъминлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда судларнинг диққат марказида турибди.

Президентимизнинг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва мавқеини тубдан ошириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кўпайтириш учун зарур шароит яратиш борасидаги тизимли ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Ушбу фармонга мувофиқ, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча жиҳатларига, жумладан, давлат рўйхатидан ўтказиш, бизнес юритиш тартиби, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлардан тортиб, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қирқдан ортиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу янгиликлар хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятининг янада эркин ривожланиши, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратиш имконини берди.

Яна бир муҳим жиҳати – қонун тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва ноқонуний аралашганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини янада кучайтирди, бу борада суд органларининг масъулиятини оширди.

Шу нуқтаи назардан, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид бўлган барча ҳуқуқбузарликлар учун, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилгани, ноқонуний аралашгани учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларнинг Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг алоҳида, мустақил бобларга бирлаштирилиши хусусий мулк ҳимоясини кучайтирди.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш тартибини такомиллаштирди. Унга мувофиқ, интерактив давлат хизматлари ягона порталида тадбиркорлик субъектлари учун имтиёз ва преференцияларнинг ягона реестри яратилиши тадбиркорларга соҳадаги ўзгариш ва имтиёзлардан ўз вақтида хабардор бўлиш имконини беради.

Хўжалик ишларини тезкорлик билан кўриб чиқиш мақсадида Хўжалик процессуал кодексининг 116-, 122- ва 125-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ, хўжалик судлари томонидан даъво аризасини кўриб чиқиш учун қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача камайтирилди. Шунингдек, давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатни (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахснинг шундай ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш муддати 30 кундан 15 кунга қисқартирилди. Бу эса судга мурожаат қилувчи шахсларга қисқа муддатда бузилган ҳуқуқларини тиклаш имконини беради.

Хўжалик судларига тааллуқли ишлар доираси кенгайтирилиб, меҳнатга оид низолардан ташқари барча корпоратив низолар хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилиши белгиланди. Хўжалик процессуал кодекси "Корпоратив низолар бўйича иш юритиш" деб номланган янги $20^4$-боб билан тўлдирилди. Унда суд томонидан ҳал этиладиган корпоратив низолар турлари белгиланди, мазкур низолар бўйича ишларни кўриб чиқиш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари, низо бўйича даъво аризасига қўйиладиган талаблар, даъвони таъминлаш чоралари тартибга солинди.

Барча корпоратив низоларнинг хўжалик судларига тааллуқлилигини белгилаш натижасида фуқароларнинг судма-суд овора бўлиб юришлари бартараф этилди, ишларни янада сифатли кўриб чиқиш ва мазкур соҳада ягона суд амалиётини шакллантириш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, хўжалик судлари томонидан ҳал этиладиган низо турларига давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги низолар ҳам киритилди.

Кассация инстанцияси суди томонидан ишларни янгидан кўриш учун юбориш асосларининг камайтирилиши кодексга киритилган ўзгартишлардан биридир. Шу пайтга қадар кассация инстанцияси суди қуйи суднинг ҳужжати етарлича асосланмаган бўлса, уни бекор қилиш ҳамда ишни тегишли инстанция судига янгидан кўриш учун юбориши мумкин эди. Эндиликда кассация инстанцияси суди қуйи судлар томонидан ишларни кўришда фақат процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганини аниқлаган тақдирда, суд ҳужжатини бекор қилиш ҳамда ишни тегишли инстанция судига янгидан кўриш учун юбориши мумкинлиги белгиланди. Кассация инстанцияси қуйи судларнинг қарорларини ҳар томонлама асосли ва қонуний эканини батафсил кўриб чиқиши иш юзасидан якуний тўхтамга келиш, шунингдек, қуйи судлар учун тўғри суд амалиётини шакллантириш имкониятини яратади. Асосийси, низоларнинг судда узоқ вақт мобайнида кўриб чиқилиши ва фуқароларнинг судларда инстанцияма-инстанция юришларига деярли чек қўйилади.

Солиқ кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ эса, солиқ тўловчи томонидан солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, жарима тарзидаги молиявий санкциялар унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш ёхуд тайинланган жарималарни тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали солиққа оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича қўлланилиши белгиланди. Бунда жариманинг узил-кесил ва юқори миқдори назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун белгиланган энг кўп миқдордан ошиши мумкин эмаслиги кўрсатилди.

Қўлланиладиган молиявий санкция ҳуқуқбузарликнинг оқибатларига номутаносиб бўлган, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, шунингдек, ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олиб, суд молиявий санкциянинг энг кам даражасидан ҳам камроқ, бироқ белгиланган санкция энг кам миқдорининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, сабаблар ва асосларни, албатта, кўрсатган ҳолда молиявий санкция қўллашга ҳақли экани ҳақида янги норма киритилди.

Бундан ташқари, кирим қилинмаган товарлар қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши доирасида давлат даромадига ўтказилган тақдирда, Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган молиявий санкция қўлланилмаслиги назарда тутилди.

Мазкур янги нормалар тадбиркорлар мулкий манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишига, улар молиявий ҳолатининг ҳаддан ташқари ёмонлашишига йўл қўймасликка қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Солиқ кодексининг 330-моддасига киритилган қўшимчаларга кўра, мулкдорлар – хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилгани тўғрисида давлат органлари, бошқа органлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан, аризачи ва жавобгар – ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича хўжалик судларида давлат божини тўлашдан бутунлай озод қилинди. Бу ҳам мулкдорлар ва тадбиркорларга хўжалик судида ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай имконият яратди.

Қонун ҳужжатларига киритилган бу ўзгартиш ва қўшимчалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда хўжалик судлари ролини ошириш баробарида, тадбиркорлик фаолияти йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга, пировард натижада, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Назокат БАЙЗАҚОВА,**
**Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси**

# БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

**Ҳуқуқий онг юксаклиги — комиллик кафолати**

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, кўп жиҳатдан ҳуқуқий таълим-тарбияни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бинобарин, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида мукаммал ҳуқуқий таълимни шакллантириш жамият тараққиётининг муҳим шартидир.



Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ таълим тизимини жадал ислоҳ қилишга киришилди. Таълим тизимининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини белгиловчи қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури", Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши, каби ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ҳуқуқий давлатдаги муҳим мезон, яъни қонун устуворлиги тамойилини ёшларнинг онгига сингдириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Халқимизнинг "ёшликда олинган билим – тошга ўйиб битилган нақш кабидир" ҳикмати бежиз айтилмаган. Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча маълумотларнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан. Айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Ёшлар онгида ҳуқуққа оид илк қарашлар, тасаввурлар айнан оилада шаклланади. Оиладаги ҳуқуқий маданият даражаси фарзандлар ҳуқуқий онгининг шаклланишида бирламчи асос бўла олади. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси учун етарли шарт-шароитлар, ташкилий-ҳуқуқий ва институционал механизмлар яратилган. Юртимизда вояга етмаганларни ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда "оила — маҳалла — мактаб" концепциясига таянган ҳолда иш олиб борилаётгани яхши самара бераётир.

Бу Ўзбекистонда аҳолининг ҳуқуқий тарбиясига оид механизм халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бой маънавий меросимизга таянган ҳолда шакллантирилаётганидан далолатдир.

Ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқий таълимни замон талаблари асосида ривожлантириш юзасидан қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жумладан, ҳуқуқий таълимни амалга оширишда ёшларнинг ҳуқуқий нормаларни идрок этишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш даркор. Мактабгача таълим муассасалари, ўрта ва ўрта махсус, олий ўқув юртлари учун ҳуқуқий адабиётларнинг янги авлодини яратишда, айниқса, адабиётларнинг матни, кўриниши, машқ ва масалаларнинг берилишига эътиборни кучайтириш шарт. Бугунги ўқувчининг хоҳиш истаги, диди, маълумотларни қабул қила олиш қобилиятини замонавий усуллар асосида шакллантиришга алоҳида аҳамият касб этади.

Модомики, демократик ҳуқуқий давлат барпо этаётган эканмиз, ундаги ҳар бир фуқаро ҳуқуқ асосларини, унинг амал қилиш тамойиллари, асосий ҳуқуқий норма ва қоидаларини билиши лозим. Бу жараён, таълим муассасаларида ҳуқуқий билим беришнинг пировард мақсадини ташкил этади. Зотан, ҳуқуқий тарбия, таълим олувчиларга ўзини ва бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашда амалий фаолиятда олинган ҳуқуқий билимларни мустақил татбиқ қилиш кўникмаларини ҳосил қилади. Асосийси, бу ёшларда қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ хатти-ҳаракатларни амалга ошириш йўл-йўриқларини шакллантириш ва ҳар қандай ҳуқуқбузарликка нисбатан қатъий муносабатда бўлиш фазилатини тарбиялайди.

Шу ўринда Президентимизнинг "Одамларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, керак бўлса, умумий маданиятни ўстириш – бу, албатта керак. Ўқув юртларида, ишхоналарда, ёшми, қарими – аҳолининг барча қатламлари ўртасида бу ишни узлуксиз олиб бориш муҳим аҳамиятга эга" деган фикрларини келтиришни ўринли деб топдик.

Хулоса қилиб айтганда, самарали ташкил этилган ҳуқуқий таълим-тарбия тизими ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятни шакллантиришнинг зарурий воситаси, ҳуқуқий давлатнинг таянчидир. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсадимиз экан, ҳуқуқий билимларни мукаммал эгаллаш ҳар биримизнинг устувор вазифамиз бўлмоғи лозим.

**Авазбек БОЗАРБОЕВ,**
**ТДЮУ ўқитувчиси,**
**Раззоқжон ТУРСУНОВ,**
**ТДЮУ талабаси**

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант маблағлари асосида чоп этилмоқда.*

# АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА

**Парламент комиссиясида**



Мамлакатимизда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашларининг 2015 йил 13 майда қабул қилинган қўшма қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг Низомлари янги таҳрирда тасдиқланди. Олий Мажлис Сенатининг 5 нафар аъзоси, Қонунчилик палатасининг 7 нафар депутати, давлат органларининг 3 нафар вакили, шунингдек, ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 8 нафар раҳбарларидан иборат Парламент комиссиясининг янги таркиби шакллантирилди. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун нормаларига мувофиқ ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган 6 та ҳужжат янги таҳрирда қабул қилинди.

Шу муносабат билан мухбиримизнинг Парламент комиссияси раиси Акмал САИДОВ билан ушбу мавзуда қилган суҳбатини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

***— Ҳурматли Акмал Холматович, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Парламент комиссияси ўтган йиллар давомида мамлакатимизда ННТ ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича ўзига хос тажриба тўплади. Айтинг-чи, комиссия ўз фаолиятида таянадиган ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартиришлар комиссия фаолиятида қандай самаралар берди?***

— Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди фаолияти ва уни ривожлантириш Дастури, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг иш режасига мувофиқ, демократик ўзгаришларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш ва жамиятни эркинлаштиришда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш борасида изчил ва тизимли ишлар амалга оширилди. Мазкур фаолият “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилди.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 19, 20 ва 21-моддаларида белгиланганидек, давлат субсидияларини, грантларини ажратиш ва ижтимоий буюртмаларни тақдим этишнинг тартиби ва шартлари ишлаб чиқилгани ҳамда мазкур қонуннинг 16 ва 18-моддалари талабларидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича Жамоат комиссияларининг фаолиятига услубий раҳбарликни таъминлаш учун уларнинг намунавий Регламенти ишлаб чиқилди ва Парламент комиссияси томонидан тасдиқланди.

***— Шу ўринда Жамоат фондига маблағларни жалб этиш ва тақсимлаш тўғрисида ҳам маълумот берсангиз.***

— Бу борада барча ҳисоботларимизда, хусусан, яқинда Миллий матбуот марказида ОАВ вакиллари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам батафсил маълумотлар берилди. Фонд маблағларини тақсимлаш тартибига мувофиқ, Давлат бюджетидан ажратиладиган ҳар йилги маблағларнинг ҳажмини белгилаш ва уларни самарали тақсимлаш мамлакатимизда қарор топган давлат ва ҳокимият бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигига мос тарзда амалга оширилади. 2015 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ҳамда лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича кенг жамоатчиликнинг, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фикр-мулоҳозалари ҳамда таклифлари чуқур ўрганилди. Чиқарилган хулосаларга кўра, уларни қўллаб-қувватлаш учун бюджет сўровномаси шакллантирилди ва Давлат бюджети лойиҳасига киритилиши учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари лойиҳасини кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва тасдиқлаш жараёнида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашга белгиланадиган маблағ миқдори тўғрисидаги Парламент комиссиясининг тақдимномаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлар ҳажми **10 миллиард сўм**ни ташкил этди. Бу 2008 йилга нисбатан солиштирилганда салкам **5** баробарга ошганлигини кўрсатади.

Парламент комиссиясининг 2015 йил 23 апрелдаги 6-сонли Қарорига мувофиқ, маблағлар қуйидагича тақсимланди:

— давлат грантларига — **4 миллиард 750 миллион** сўм ёки жами маблағнинг **47,5** фоизи;

— давлат ижтимоий буюртмаларига — **2 миллиард** сўм ёки жами маблағнинг **20,0 фоизи;**

— давлат субсидияларига — **3 миллиард 250 миллион** сўм ёки жами маблағнинг **32,5 фоизи** берилди.

2015 йилда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш учун тақсимланган маблағларнинг умумий миқдори 2010 йилга нисбатан **2,2** баробарга, давлат грантлари — **4,3** баробарга, давлат ижтимоий буюртмалари — **2,9** баробарга, давлат субсидиялари — **1,2** баробарга ўсди.

Парламент комиссиясининг 2015 йил 23 апрелдаги 6-сонли Қарори билан тасдиқланган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилди. Унга кўра, давлат субсидияларини ажратиш, давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштиришнинг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари тасдиқланди. Давлат гранти танловлари мавзулари, уларнинг асосий йўналишлари, танловларни ўтказиш муддатлари ва уларга ажратилган маблағлар миқдорлари белгиланди.

***— Грант танловлари ҳақида гапирдингиз. Айтинг-чи, уларни ташкил этиш, дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш жараёнлари қандай кечади? Чунки, бу каби танловларда, давлат грантларини олиш истагида бўлган ННТ ва ОАВлар жуда кўп. Уларни танлашда қандай мезонларга таянилади?***

— Албатта, мамлакатимизда ННТлар учун яратилган қулай шароитлар, жамоатчиликда давлат грантларига бўлган қизиқишни йил сайин оширмоқда. Шу боис мазкур танловда иштирок этадиганлар кўлами сон ва сифат жиҳатдан ҳам ортиб боряпти. Қувонарли томони шундаки, иштирокчилар таклиф этаётган лойиҳалар мамлакатни модернизациялашда давлатга яқиндан кўмак берадиган, жамиятни тараққий эттиришга ҳисса қўшадиган масалаларга қаратилгани билан муҳимдир. 2015 йилда ана шундай муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш учун битта ҳамда давлат грантларини ажратиш учун **6** та танлов, жами **7** та танлов ўтказилди. Масалан, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ННТни кенг жалб қилиш” мавзусидаги 1-танловга **210** та ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан **239** та лойиҳалар тақдим этилди. Унинг натижалари билан **75** та лойиҳа **1 миллиард 100 миллион сўмга** қўллаб-қувватланди. “Давлат ижтимоий дастурларининг амалга оширилиши, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини мустақил ОАВларда ёритишга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” мавзусидаги 2-танловга **88** та ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан **105** та лойиҳалар тақдим этилди. Унинг якуний натижаларига биноан **60** та лойиҳа **900,0 миллион сўм**га молиялаштирилди. “Фуқаролик жамияти институтларини жисмонан соғлом ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” бўйича 3-танловга эса **320** та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан **362** та лойиҳа тақдим этилди. Натижада, комиссия хулосасига кўра, **42** та лойиҳага **1 миллиард сўм** йўналтирилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур танловда ғолиб бўлган лойиҳаларнинг ҳар бирига **25,0 миллион сўм**гача маблағлар ажратилган. Бундан ташқари, “Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш”, “Аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш” мавзусидаги танловларга ҳам тегишли миқдорда маблағлар ажратилди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лойиҳаларни молиялаштиришда маблағларни мақсадли йўналтириш учун ҳудудлар кесимига жиддий эътибор қаратилганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

***— Акмал Холматович, газетхонларимизда мазкур лойиҳаларни амалга оширгандан кейинги самара қандай бўлаяпти, деган савол туғилиши табиий, албатта. Шу ҳақда ҳам гапирсангиз.***

— Жуда ўринли савол. Масалан, ўтган йили кексаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга кўмак берилишини кучайтириш, фахрийлар ҳамда кекса ёшдаги кишиларга тиббий ёрдам кўрсатилиши даражаси ва сифатини оширишга қаратилган лойиҳалар ижросига эътибор қаратайлик. Биласиз, кекса авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг оила, жамият ва ёшлар тарбиясидаги роли ва нуфузини кучайтириш, кексаларнинг турмуш тарзи ва бўш вақтларини ташкил этиш тизимини янги даражага кўтариш, мулоқот марказлари, қизиқишлар бўйича клублар, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, молиявий қўллаб-қувватлаш натижасида Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги 12-сонли “Курылысшы” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида кексаларимиз учун дам олиш ва спорт майдончаси барпо этилди. Фарғона вилоятидаги “Саломатлик плюс экология” ННТ томонидан **1095** аҳоли, шу жумладан, **73** нафар кекса ёшдаги фуқаро яшайдиган Данғара туманидаги “Қудуқ” қишлоғи ичимлик суви билан таъминланди. Фонд маблағлари ҳисобидан қишлоқдаги қудуқ қайта тикланиб, таъмирланди ва тозаланди. Аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш бўйича ўқув семинарлари ўтказилди. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Яна шуни алоҳида айтиш керакки, барча лойиҳаларнинг ижроси юзасидан тегишли тартибда мониторинг амалга оширилади. Ажратилган маблағларнинг бир тийини ҳам изсиз кетмайди.



***— Давлат ижтимоий буюртмаларининг жойлаштирилиши ва уларнинг натижаларига ҳам тўхталсангиз.***

— “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддаси ва давлат органларининг талабномаларига мувофиқ ташкил этилган давлат ижтимоий буюртмаси танловларига **25** та ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари **томонидан 55** та лойиҳа тақдим этилди. Танлов асосида учта йўналишда **15 та** лойиҳа давлат ижтимоий буюртмалари шаклида **2,0 миллиард сўм**га қўллаб-қувватланди. Шу билан бирга, қўллаб-қувватланган лойиҳаларга қўшимча равишда **48,0 миллион сўм** миқдорида маблағлар ажратилди.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг 21-бандида белгиланган мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, **460 миллион сўм** миқдорда ижтимоий буюртмалар жойлаштирилди. Натижада, Ўзбекистон Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний”, “Меҳр-шафқат ва саломатлик”, “Экосан” фондлари томонидан **7000** нафар кексаларга, **1000** дан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга эшитиш аппаратлари, аравачалар, ҳаракатланиш воситалари олиб берилди.

Шунингдек, Давлат ижтимоий буюртмаларини амалга ошириш жараёнида кексаларимизга **2000** тўплам — ётоқ жиҳозлари, шахсий гигиена воситалари, кийим-кечак, пойабзал тарқатилди. Тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тарихий-маданий жойлар, музейлар, кўргазмаларга ташриф буюрган ҳолда **100** дан ортиқ турли маданий-кўнгилочар тадбирлар ташкил этилди.

Хўжайли (Қорақалпоғистон Республикаси), Қўқон (Фарғона вилояти), Зомин (Жиззах вилояти) туманларидаги “Мурувват” уйларида муқобил энергия манбалари жорий этилди. Шу билан бирга **800** дан ортиқ






кексалар ва ногиронларнинг турмуш сифати ва даражасини оширишга кўмак берилди.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг **50**-бандига мувофиқ, ижтимоий буюртмаларни ижро этиш давомида кексаларга эътибор ва ғамхўрликни ошириш, ёшларни кекса авлодга нисбатан чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни ОАВ орқали кенг ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мақсадларга **380 миллион сўм** миқдорида маблағ ажратилди ва **5** та ижтимоий буюртма амалга оширилди.

Натижада, **769** та оригинал медиа маҳсулотлар тайёрланиб, **10,5 минг** мартадан ортиқ эфирга узатилди. Шунингдек, **160** та репортаж, **27** та интервью, **500** та янгилик, **12** та телемост, **380** та ижтимоий теле ва радио роликлар тайёрланди.

Ҳар ҳафтада босма ва интернет ОАВда **1000** га яқин ахборот-таҳлил материаллари чоп этилди. Хусусан, “Парламент ва қонун”, “Интервью”, “Очиқ микрофон”, “Долзарб мавзу” каби кўрсатувлар тайёрланиб, эфирга узатилди. Бу билан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида юз бераётган воқеалар тўғрисида аҳолининг хабардорлигини оширишга яқиндан кўмаклашилди.

Жисмонан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш ижтимоий буюртмаларни амалга оширишнинг энг муҳим йўналишига айланди, десак муболаға эмас. Айни пайтда мазкур йўналишда **3** та ижтимоий буюртма амалга оширилмоқда.

Натижада, шарқ яккакураши чемпионатларида **1000** га яқин, халқаро мусобақаларда **10** нафар спортчининг иштироки қўллаб-қувватланди. **200** дан ортиқ ногирон болаларни ижтимоий реабилитациялаш мақсадида **40** номдаги **130** та замонавий жиҳозлар ва спорт ускуналари харид қилинди, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Қарши (Қашқадарё вилояти) филиалининг ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш учун материаллар тайёрланди. Бу билан, ижтимоий заиф гуруҳлардаги болаларга ижтимоий-педагогик, ҳуқуқий ва ахборот-таълим ёрдамини кўрсатиш учун қўшимча шароитлар яратилди.

**600** дан ортиқ истеъдодли, иқтидорли йигит ва қизлар илмий фаолиятга жалб этилди. Бундан ташқари, ёшларнинг илмий-техник, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини, ижтимоий фаоллигини ривожлантиришга, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилди. Чунончи, **150** дан ортиқ ижтимоий аҳамиятга молик ахборот коммуникация технологиялари лойиҳалари ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

**Шу ўринда Давлат субсидияларининг ажратилиши ва уларнинг натижаларига ҳам тўхталиб ўтсак,** 2015 йилда давлат субсидияси олувчи **6** нафар ташкилотлар — Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Экологик ҳаракати, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмасининг фаолият дастурлари қўллаб-қувватланди.

Давлат субсидияси маблағлари ҳисобидан субсидия олувчиларнинг **400** дан ортиқ штат бирлигидан иборат бўлган девонлари харажатлари қопланди. Унга кўра меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси харажатлари давлат субсидияси умумий ҳажмининг **80 фоиз**ини ташкил этди.

Давлат субсидияси маблағлари олувчилари томонидан **1700** га яқин тадбирлар ўтказилган бўлиб, уларда **2,4 миллион** киши иштирок этди. Шу жумладан, **20** га яқин халқаро тадбирлар ўтказилди. Марказда ва жойларда ижтимоий шерикликни кучайтириш, давлат, ҳудудий, тармоқ ва бошқа ижтимоий дастурларни амалга ошириш бўйича ижтимоий шериклик субъектлари ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган анжуманлар, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари, акциялар ва бошқа тадбирлар ташкил этилди.

**50** га яқин қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, **1800** та ахборот-таҳлилий материаллар тайёрланди. Улардан **1000** дан ортиғи босма ОАВда чоп этилди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши жараёнларининг боришини ёритишга қаратилган **1000** дан ортиқ медиа маҳсулотлар теле ва радиода эфирга узатилди.

Журналистларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга ва ОАВ фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган “Олтин қалам”, “Энг улуғ, энг азиз”, “Йилнинг энг фаол журналисти” танловлари, Ижтимоий медиа-маҳсулотлар миллий фестивали ҳамда журналистларнинг ижодий фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган бошқа қатор тадбирлар ташкил этилди. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган “Озод юрт тўлқинлари”, “Журналистлар баҳори — 2015” медиа-фестиваллари, “Менинг юртим — менинг фахрим” акциялари ўтказилди. Умуман, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш доирасида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг жойлардаги энг муҳим социал ва ижтимоий аҳамиятли вазифаларни бажаришда, уларнинг жамият ҳаётини демократлаштиришдаги ролини оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан шериклиги кучаймоқда.

Умуман олганда, 2015 йилда **1 061** нафар ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан **41,7** миллиард сўмга тенг бўлган **1 262** та дастур ва лойиҳалар қабул қилинди. Парламент комиссиясининг қарорларига мувофиқ ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жами **300** та лойиҳасини амалга ошириш учун давлат грантлари, ижтимоий буюртмалар ва субсидиялар шаклида **10,8** миллиард сўмга яқин давлат кўмаги кўрсатилди.

Давлат кўмагининг **67** фоизи танлов асосида давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмаларига йўналтирилди. Шунга қарамасдан, жорий йилда маблағ сўралган дастур ва лойиҳаларнинг бор-йўғи 19 фоизи ёки ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари сўраган маблағнинг 20 фоизи молиялаштирилди.

***— Акмал Холматович, албатта Парламент комиссиясининг фаолияти жуда серқирра. Бу ҳақда навбатдаги суҳбатларимизда батафсил тўхталиб борамиз. Эл-юрт фаровонлиги, жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган жамоангизга улкан муваффақиятлар тилаймиз.***

— Раҳмат.

***— Мазмунли суҳбатингиз учун Сизга ҳам раҳмат.***



**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ**
**суҳбатлашди.**

# МАНФААТЛАР ИСКАНЖАСИ

**Шарҳ ўрнида**

Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш инсоният тарихидаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Йиллар мобайнида бундай курашлар кўлами, даражаси ҳамда мақсади ўзгариб борди. Хусусан, дастлаб оддий қорин тўйдириш эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган турли зиддият ва тўқнашувлар, кейинчалик нисбатан заиф томоннинг бевосита ҳудудини (кенг яйловлари, ҳосилдор ерлари ва ҳоказо) эгаллашга қаратила бошланди. Бошқача айтганда, бундай тўқнашувлар дастлаб сиёсий аҳамият касб этмаган ва оддий "тирикчилик манбаи" бўлиб хизмат қилган.



Давлатлар вужудга келиши билан "манфаат" сиёсатнинг муҳим омилига, айни пайтда турли зиддият ва тўқнашувлар сабабчисига айланди.

Маълумки, агарда бирон-бир ҳудудда давлат ва жамият барқарор ривожланиши учун зарур ишлар амалга оширилмас экан, бу ишни албатта бошқалар амалга оширади. Фақат ўз манфаатлари, ўз ғояларига эришиш йўлида...

Ҳозир дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар таҳлили айрим давлатлар манфаатлари кўлами ва уни қондириш истаги тобора ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Буни дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу ҳудудида рўй бераётган турли тўқнашувларда кузатиш мумкин.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, бунга илм-фан, техника тараққиёти ҳам сабаб бўлмоқда. Хусусан, тараққиётнинг муайян минтақаларда илгарилаб кетиши бир пайтнинг ўзида ушбу ҳудуд халқлари турмуш тарзида қулайлик туғдириши билан бирга уларнинг бошқалардан устунлигини келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа ресурсларнинг номутаносиб равишда тўпланиши ҳам бундай устунликнинг асосини ташкил этмоқда. Хусусан, куч ва имкониятнинг мавжудлиги ўз навбатида айрим давлатларга бошқалар устидан ҳукмронлик қилишга жумладан, ер юзидаги табиий ресурсларни "назорат қилиш"га ундамоқда. Зеро, уларнинг фикрича, "улар бундан-да кўпроғига муносибдирлар".

Бошқача айтганда, дунёда "хомашё" ва "бозор" учун кураш авж олганини кузатишимиз мумкин. Масаланинг жиддий томони шундаки, айрим ҳолатларда бунга ўта долзарб, яъни "ҳаётий муҳим" масала сифатида қаралмоқда. Бунинг оқибатида муайян давлатлар ўз нигоҳларини табиий ресурсларга бой ҳудудларга қаратишмоқда ва унга эга чиқиш мақсадида турли-туман сиёсий, иқтисодий "ўйинлар" ўйлаб топишмоқда. Бундан кўзланган мақсад эса бу ҳудудларда чигал, таранг вазиятни юзага келтириш ва бу орқали уларни бошқаришдир.

Турли геосиёсий таҳдидлар, давлатлар ўртасидаги ишончсизлик оқибатида халқаро ҳуқуқ меъёрларининг қўпол тарзда бузилиши ҳолатлари кузатилмоқда. Амалда дунё тинчлиги учун "масъул" ҳисобланган қудратли давлатларнинг ўзаро муносабатлари тобора "совуқлашмоқда". Бу ўз навбатида дунё жуғрофий-сиёсий мувозанатига салбий таъсир

> **"Уруш — бу тинчлик вақтидаги муаммолардан қўрқоқлик билан қочишдир".**
> Томас МАНН, немис адиби

кўрсатмоқда. Айрим воқеалар жумладан, йирик давлатларнинг ўз манфаатларини ошкора намоён ёки "ҳимоя" қилишлари, шунингдек ўтмиш "хато"сини тўғрилаш даъвоси остида амалга оширилаётгани кишини ҳушёрликка чорлайди.

Мутахассислар фикрича, аслида бундай тартибсизликлар тагзамирида дунёни (бевосита ва билвосита) бўлиб олиш ёки қайта тақсимлаш истаги мавжуд.

Кўпчилик мутахассисларнинг "мафкуравий урушлар барҳам топди, унинг ўрнини кўпроқ манфаатлар эгалламоқда" дейишларига қарамасдан, бугунги кунда мафкуравий таҳдидларнинг мавжудлиги ва амал қилаётганлигини кузатиш мумкин. Зеро, ҳар қандай манфаатнинг "мафкуравий ўлчови" бор. Бу ҳолат, айниқса, турли ахборот хуружларида яққол кўзга ташланмоқда.

Дунёнинг айрим ҳудудларида, унда яшовчи халқнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятларини ҳисобга олмасдан "демократик халқлар оиласи"ни яратишга уриниш эса хатодан ўзга нарса эмаслигини, ўзбекона лутф билан айтганда, "қош қўяман деб кўз чиқаришдан" бошқа нарса эмаслиги амалда бир неча бор ўз исботини топган.

Айрим Ғарб мутахассислари эса буни хаспўшлаш ниятида "дунёда янги тартибот" қарор топиши лозимлигини уқтиришмоқда. Ажабланарли томони шундаки, бундай "ғоя ва мафкуралар" кўпайгани сайин низо ва можаролар сони ҳам ортмоқда. Аксарият ҳолларда ўзаро мулоқот, муроса ўрнини баҳс-мунозара, келишмовчилик, ўз манфаатларини бошқалар манфаатидан устун қўйиш каби ҳолатлар бунга сабаб бўлмоқда.

Тинчлик, хавфсизлик масалаларига қаратилган йирик халқаро Мюнхен хавфсизлик анжуманининг жорий йилдаги навбатдаги йиғилиши жаҳон сиёсатида ана шундай қийин, муросасизлик, мавҳумлик кузатилаётган бир шароитда бўлиб ўтди.

**Маълумот ўрнида**

*Мюнхен хавфсизлик анжумани анъанавий тарзда 1962 йилдан буён ўтказилиб келинади. Асосий мақсади — хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорликни ташкиллаштириш ҳамда турли низоларни ўзаро муроса орқали тартибга солиш йўлларини излаш. Жорий йил 12-14 февраль кунлари бўлиб ўтган мазкур анжуман тартиб бўйича 52-си бўлиб, унда 30 дан ортиқ давлат раҳбарлари, 70 дан ортиқ тегишли давлатларнинг ташқи ишлар ҳамда мудофаа вазирлари, шунингдек, қатор ташкилот вакиллари, экспертлар иштирок этди.*

Анжуман доирасида тайёрланган махсус маърузада жумладан, ҳозирда дунёда кузатилаётган 2 та қарама-қарши йўналиш тўғрисида тўхтаб ўтилди. Таъкидланишича, бундай қарама-қаршилик бир томондан, турли низо ва тўқнашувларнинг муайян бир давлат чегараларидан ташқарида юз бераётганлигида, бошқа томондан, давлатлар ўртасида турли тўсиқларнинг пайдо бўлаётганлигида кўринмоқда. Шунингдек, анжуманда иштирокчилар томонидан амалдаги хавфсизлик тизими янги хуруж ва таҳдидларга нисбатан ҳар доим ҳам самарали бардош бера олмаётганлиги таъкидланди.

Бунинг натижасида кўпгина ҳамкор, иттифоқдош ҳисобланган давлатлар муносабатларига путур етмоқда. Хусусан, ягона ва яхлит ҳисобланган ЕИ ҳудудида 2015 йилда ташкилотга аъзо давлатлар чегараларида "қочоқлардан қочиб", 15 та янги "девор" қад кўтарди. Дунё бўйича эса жами Берлин девори қулаганидан сўнг 40 дан ошиқ давлатлар ўзларига қўшни 60 тача давлатлар билан ўзаро чегараларда турли тўсиқлар бунёд этишди.

Шу ўринда айрим рақамларга диққат қаратсак. БМТнинг сўнгги маълумотларига кўра, дунё бўйича жами қочоқлар сони ўтган йили 244 миллион нафарни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 41 фоизга ўсган. Мутахассислар фикрича, сўнгги йилларда дунёда рўй бераётган турли можаролар, тўқнашувлар бунга сабаб бўлмоқда. Зотан, қочоқларнинг аксарияти Афғонистон, Сурия ва Сомали давлатлари ҳиссасига тўғри келади.

Хусусан, Суриядаги қуролли тўқнашувлар оқибатида мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлаётганлар сони 4 миллиондан ошиб кетган. Мамлакат ичкарисида эса 8 миллион одам инсонпарварлик ёрдамига муҳтож. Ушбу мамлакатда рўй бераётган қуролли тўқнашувлар оқибатида қурбонлар сони турли манбаларда 250-470 мингтача деб қайд этилади. 2011 йилдан бери мамлакат аҳолисининг 11,5 фоизи у ёки бу тарзда ушбу урушдан жабр кўрган.

Афғонистон ҳудудида рўй бераётган уруш қурбонлари статистикаси янада ачинарли. Маълумотларга кўра, фақаттина 2015 йилнинг ўзида 3,5 мингдан ошиқ тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлган, 7,5 мингдан ошиғи турли даражада жабр кўришган. Қурбон бўлган ва жабрланганлар орасида аёллар ва болаларнинг борлиги урушнинг нақадар жирканчлигини акс эттиради ва кишини янада ҳушёр торттиради.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, "қайноқ нуқталар"да яшовчи мактаб ёшидаги болаларнинг ҳар 4 нафаридан бири мактабга бормайди.

Хуллас, ҳозирда дунёда юз бераётган жараёнлар таҳлили амалда дунё маънавий қиёфасининг якдил эмаслигини, зимдан бўлиниб кетганлигини яққол кўрсатмоқда. Ҳаттоки умумпланетар ҳисобланган экологик муаммолар ҳам дунё давлатларини амалда бирлаштира олмаётганлиги ачинарли ҳол, албатта.

Кишилик жамияти мураккаб сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар остонасида турибди. Бундай ўзгаришлар ортида таассуфки, "дунёни бўлиб олиш" истаги ҳукмронлик қилмоқда.

Бугунга келиб, Яқин Шарқ минтақасида "уруш ўчоғи" яқин вақт ичида сўнишига ишонувчилар кам ва айнан шу ишончнинг камлиги ҳам кўп ҳолларда турли низо ва келишмовчиликларга олиб келмоқда. Айни пайтда, таъкидлаш лозимки, ниҳоят қандайдир муросага келинди. Шоир айтганидек, ниҳоят бурқсиб кетган дунёнинг ойналарини очиб, бироз шамоллатиш имконияти пайдо бўлмоқда.

Гўёки ер юзида қандайдир ёвуз руҳ кезиб юргандек, иғво, тарафкашлик, ирқ, дин, иймон талашишлару барча-барча ёмонликларни фақат у келтириб чиқараётгандек. Албатта, бу ўзига хос ташбеҳда қандайдир ҳақиқат бордек, зеро, ўзаро урушаётган томонларнинг барчаси ўзича ҳақ.

Ўзбекистон халқи азалдан тинчлик, эзгулик, бунёдкорлик тарафдори бўлган. Бу тушунчалар айтиш мумкинки, халқимиз онгига сингиб кетган ва кундалик турмуш тарзига айланган. Ўзбекистон халқининг ягона манфаати бу — ТИНЧЛИК ва бу мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган.

Айни пайтда, дунёда юз бераётган таҳликали вазиятга қарамасдан, Ўзбекистон ўзи белгилаб олган йўлдан оғишмай бораётганлиги алоҳида эътирофга лойиқ. Хусусан, юқорида таъкидланганидек, дунёнинг айрим давлатларида мактаб ёшидаги болалар таълим олиш имкониятидан бутунлай маҳрум бўлаётган бир пайтда сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий соҳага давлат бюджетининг қарийб 60 фоизга яқин маблағи ажратилаётганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг "фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур" деган тамойили ва унинг асосида мамлакатимизда изчил тарзда амалга оширилаётган ишлар кўлами шубҳасиз, муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шу билан бирга, давлатимиз томонидан олиб борилаётган бундай ишлар замирида, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, энг асосийси, одамларимизнинг ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаш омили ётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

**Санжар МАҚСУДОВ**

**Бу турфа олам**

## ИНТЕРНЕТ-ДОМЕНЛАРИ ДУНЁ ХАРИТАСИ




**Қанча хариталарни кўрганмизу лекин бунақасини...**

**"Nominet" Британия компанияси шундай дунё харитасини тузиб чиқдики, унда давлатларнинг ҳудуди рўйхатдан ўтган миллий доменлари доирасидаги номлар сонига қараб белгиланди.**

Янги Зеландияга қарашли Токелау ороли харитадаги энг йирик объект бўлиб чиқди. Ушбу ҳудудда миллий домен таркибига кирувчи 31 миллиондан ортиқ ном рўйхатга олинган экан. Ҳолбуки, бу ердаги аҳоли орасидан 1400 кишигина рўйхатга олиш шартларига мувофиқ келмоқда. Оммавий тарзда киришилганига қараганда, минтақада бу иш бепул амалга оширилиши мумкин. Миллий доменга кирувчи номлар сони билан Хитой харитада иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Ушбу мамлакат доменида 17 миллионта ном бор. Германия эса учинчи ўринда бўлиб, миллий доменида 16 миллион ном рўйхатга олинган.

Россия ҳудуд жиҳатдан катта бўлишига қарамай, бу борада кичик рақамда турибди, яъни **.ru** домени таркибида беш миллионга яқин ном рўйхатга олинган. Тўғри, харитада кириль ёзуви доирасидаги **–.рф** бўйича рўйхатга олинган манзиллар ҳисобга олинмаган. Улар сони 860 мингтани ташкил этади. Бундан ташқари, Россия таркибига кирувчи Қрим ҳам эътибордан четда қолган.

Домен харитага Африка киритилмаган, ҳолбуки, ушбу мамлакат аҳолисининг 15 фоизи интернетдан доимий фойдаланади. Яқин Шарқ ва Осиё мамлакатлари кўрсаткичи ҳам анча паст. Бельгия, Нидерландия ва Люксембург сингари Европа давлатлари кўрсаткичи эса анча юқори турибди.

## "GOOGLE" ФАСГА ҚАРШИ ИШДА ЮТҚАЗДИ




**Интернетдан фойдаланувчиларнинг кўпчилиги "Google" қидирув тизими хизматига таянадию унинг ноқонуний ишлари борлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди...**

Москва ҳакамлик суди "Google" компаниясининг Монополияга қарши федерал хизмат (ФАС)га нисбатан берган даъво аризасини рад этди. Монополияга қарши хизмат "Google" компанияси "Рақобатни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунни четлаб ўтаётгани ҳақида кўрсатма берганди. Бундан ташқари, компания "Android" тизимидан фойдаланувчилар "Google" тақдим этадиган иловаларнинг ўчиб кетиши, "Google Chrome" қидирув браузерининг ўзгариши ва янги виджетнинг ўрнатилиши ҳамда иконкаларнинг жойлашувидаги ўзгаришлар ҳақида огоҳлантириши зарур эди.

Январь ойида ФАС раҳбари Игорь Артемьевнинг берган маълумотига кўра, Россия қонунчилигига асосан, 2014 йил учун "Google" компаниясига белгиланган жарима миқдори компания айланма даромадининг етти фоизига тенг бўлади. Компаниянинг даъво аризаси билан чиқиши ўзининг энг кам миқдордаги пул ундириш имконидан маҳрум бўлишига олиб келди, дея таъкидлайди И. Артемьев. 2015 йил декабрда "Google" ФАСнинг ноқонуний кўрсатмаси ҳақида судга даъво аризаси билан чиқди. Монополияга қарши федерал хизмат органи қарорига кўра, компания "Android" тизимли мобиль ускуналари "Google Play" интернет дўконидаги етакчилик ўрнини суиистеъмол қилганликда айбланди. Бу иш эса ўтган йили февралда «Яндекс» компаниясининг "Google" устидан берган аризасига асосан кўриб чиқилди.

## КАПАЛАК КЎРИНИШИДАГИ ЧИҒАНОҚЛАР



**АҚШ ва Европа океанологлари баъзи йиртқич денгиз чиғаноқлари сув остида худди капалакдек кўринишда сузиб юришини аниқлашди.**

— Бундай чиғаноқлар капалак каби нозик, нимжон бўлади. Шунинг учун ҳам уларни лабораторияда ўрганиш ниҳоятда мушкул, — дейди Балтимор(АҚШ)даги университет мутахассиси Дэвид Мерфи. — Уларнинг нафақат ташқи кўриниши, балки сузаётгандаги ҳаракатлари ҳам тангақанотлиларникига ўхшаб кетади.

Олимлар бир қанча денгиз чиғаноқлари ва тинч океани қаърида яшайдиган шилliққуртларни ўрганаркан, уларнинг зоопланктонлар билан озиқланишини ҳам аниқлашди. Улар озуқа бўладиган микроорганизмларни ўзининг шиллиқ тўрига ҳийла билан илинтиришади, дейди мутахассислар. "Денгиз капалаклари"нинг қанотлари ҳаракати 3D-камераси орқали кузатилди. Улар худди ҳавода қанот қоқаётгандек, гавдаси билан қанотлари бир хил ҳаракатланиши маълум бўлди. Жараёнда олимлар жониворлардаги сув билан тўлдирилган "коса"ча (томир)ни кузатишдики, бу бир қанча микроскопик таҳлиллардан сўнг сузгичлар сувни қандай ҳаракатга келтиришини аниқлашда ёрдам берди.

## ИШНИ ОРТГА СУРУВЧИЛАР ИШЁҚМАСМИ ЁКИ...



**Баъзан бир ишни бошлашимиз шу қадар қийин кечадики, натижада ортга сурилиб қолаверади ва ўзимизни ялқовликда айблаймиз. Аслида бунинг яхши томони ҳам бор экан.**

Профессор, психолог Адам Грант BBC Radio 4 каналига берган интервьюсида ўзининг яқинда чоп этилган китоби ҳақида маълумот бераркан, бирор бир ишни кейинга қолдириш (прокрастинация) ижодкор инсонларга хос хусусиятдир, деб таъкидлади. Грантнинг фикрича, ишни орқага суриш муаммони тезкор ҳал қилгандан кўра самаралироқ натижа беради. Негаки, мавжуд муаммони батафсил ўрганиб чиқиш учун вақт етарли бўлади. Руҳшунос ўз тадқиқотида оила ва саломатлик билан боғлиқ инсон учун фундаментал муаммоларни ҳал қилишдаги прокрастинациянинг узоқ муддатли муваффақиятини таъкидлаб ўтган. Бунга мисол қилиб айрим ҳаётий далилларни келтирган. Жумладан, Грант омма олдига чиқишидан бир неча дақиқа аввал ўз нутқини ёзиб, вазиятга қараб импровизациядан унумли фойдаланган сиёсатчилар ҳамда Леонардо да Винчининг узоқ йил пайсалга солиб ишлаган машҳур картинаси «Мона Лиза»ни тилга олади.

Америкалик олим талабалар билан олиб борган назарий ишларида шундай хулосага келди: ким ишни ортга сурса, ўзини ишёқмас деб эмас, балки ижодкор деб ҳисоблаши лозим.

## БАКТЕРИЯЛАРДА ЖАМОАВИЙ ХОТИРА ҚАНДАЙ САҚЛАНАДИ?



**Буни қарангки, бактерияларда ҳам хотира бўларкан. Швейцариядаги Цюрих олий техника мактаби олимлари бактериялар жамоавий хотираси қандай шаклланишини аниқладилар. Бу стрессга қарши курашишда ёрдам бераркан.**

Микробиологлар бир неча хил бактериялар устида назорат олиб боришди. Аввалига олимлар уларни махсус контейнерларга жойлаштириб, бир гуруҳига оддий сув, бошқасига эса тузли эритма қуйиб туришди. Кейин ҳар иккисидан олиниб, туз миқдори кўпроқ эритмага солиб кўрилди. Шунда оддий сувга ўрганган бактериялар тузли сувда стрессга учраган бактерияларга нисбатан кучсиз экани исботланди ва уларнинг яшовчанлиги узоқ чўзилмади. Иккинчи тур бактерияларнинг эса курашувчанлиги ортди. Тадқиқотдан маълум бўлишича, бир шароитдан иккинчи шароитга ўтаётган бактерияларнинг бўлиниш жараёнидаги мослашувчанлиги уларнинг стрессни енгишида ёрдам беради ва бу жамоавий хотирада сақланиб қолади. Энди улар бундан ҳам қийинроқ шароитларга осонгина мослаша оладилар, дейди тадқиқотчилар. Бактериялар қанча кўп бўлса, уларнинг мослашувчанлиги, жамоавий хотираси шунча кучли бўлади.

**Интернет материаллари асосида Х.ФАЙЗИЕВА тайёрлади.**

ЭЪЛОН

П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежи томонидан 2005 йил 25 июлда Икрамова Нилуфар Абдуқодировна номига берилган 9528 TN 251697 рақамли диплом йўқолгани туфайли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Агробанк" акциядорлик тижорат банки жамоаси банк ходими Эркин Эшмуродовга падари бузруквори

**Абдумўмин ЭШМУРОДОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Агробанк" акциядорлик тижорат банки жамоаси банк ходими Маҳмуд Шодмоновга падари бузруквори

**Ҳайитбой ШОДМОНОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Ибрат**

Бу йил қиш фасли ўз тахтини енгилгина — ортиқча қаҳру ғазаб ва инжиқликларсиз баҳорга бўшатиб берди. Лекин биз ҳар фаслни ўз хислати ва фазилати билан қабул қилишга ўрганганмиз. Шунинг учун февралнинг сўнгги кунигача қорга, қишга бўлган ташна дилларимиз интиқликдан толмади. Биз қор ёғиб беришини, ёғганда ҳам атрофни оқ кўрпасига ўраб ёғишини кутдик. Наилож, табиатга ҳеч ким ўз ҳукмини ўтказолмайди. Шу боис ҳар баҳорни соғинч ила кутадиган қалблар бу йил уни ўзгача қабул қилди. Кўклам остонада узоқ туриб қолмади. Аксинча, қишнинг кўзларидаги мудроқликни илғади-ю, кўм-кўк сепини борлиққа ёзиб юборди.

# ГУЛ ишқида



Бу йил ҳовлимиздаги бинафша қиш бўйи у ербу ерда очилиб турди. Баҳор келиши билан унинг митти, сиёҳранг гуллари барқ уриб атрофга бўй таратди. Гуллар менга ўхшаб офтобни, ёруғликни, кенгликларни яхши кўрадилар. Ҳовлимизнинг қуёшга қараган ерига экилган наргис гуллари аллақачон ғунча тугибди. Соядагилари эса бироз хафадек туюлди. Чучмома ҳам сояда қолибди, очилишга улгурмапти. Настариннинг ғунчаларига ҳеч эътибор берганмисиз, очилишини кузатганмисиз? Унинг ғунчаси жуда зич ва қаттиқ бўлади. Ногоҳ қишнинг сўнгги изғирини келиб қолгудек бўлса, ана шу қаттиқ муштлари билан унга бас келадигандек, анча пайтгача чеҳрасини очмай, сергак туради.

Ҳар баҳорда Чорсудаги кўчат бозорига бориб эринмасдан айланиб чиқаман ва ўзимга ёққан гул кўчатларидан сотиб оламан. Гулларга оид йиғилиб қолган саволларимга жавоб топиш учун сотувчиларни гапга тутаман. Улар эса «Мана бунисини олинг жуда чиройли очилади, мана буниси эса кўп йиллик гул. Ҳар баҳорда пиёзидан кўкариб чиқаверади», деб мени кўчатлардан сотиб олишга ундайдилар. Турфа рангли гул кўчатларидан кўзларимни узолмайман, сотувчиларнинг гапларидан бирини эшитиб, бирини эшитмай қоламан. Хаёлим эса табиатнинг нафис мўъжизалари — ранг-баранг гулларда бўлади. Уларнинг ифори димоғимга урилиб, дилимни яйратиб юборади. Капалакгул, тугмача гуллардан сотиб оламан. Ҳовлидаги лола, гулсафсар очилгунча чучмома ва бинафшанинг қаторида барчамизга баҳорий кайфият бағишлаб туради, дейман ўзимга. Қўлимдаги кўчатларни эҳтиётлаб ушлаганча, яна атрофга қарайман. Оқ, қизил, сариқ, пушти ранг гуллар кўзимни қамаштиради. Бунча чиройли бўлмаса булар... Сотувчи йигит Голландиянинг беқиёс гўзалликдаги гулларини кўрсатиб мақтайди. Мен эса ундан ўзимизнинг жайдари сариқ лоланинг пиёзини сўрайман....

Бозорга яна қайта келишни ўйлаб гуллардан узоқлашаман. Фикру ўйим гулзор янглиғ кўчат бозорида — менга завқ-шавқ улашувчи, кўнглимни кўтарувчи, руҳимга далда берувчи «дўст»ларимда қолади. Гулларни яхши кўраман, интиламан, парваришлашдан, пиёзи ва кўчатидан атрофимдагиларга улашишдан завқ оламан. Нафақат ҳовлимизни, балки бутун оламни гулга, гулларга буркагим келаверади.

**Захро ҲАСАНОВА**

**НАВРЎЗНОМА**

Агар Наврўзи олам душанба куни дохил бўлса, Қамар(ой)га тааллуқли бўлғай. Ул йил тўқлиқ бўлғай, неъматлар кўп ва фаровон бўлгай, ёмғир кўп ёқғай. Баъзи савдогарларнинг ҳоли заиф бўлғай. Ғўза экини яхши бўлғай. Кунжут,тариқ миёна(ўртача) бўлғай, қор, ёмғир йилнинг аввалинда бўлғай.

Буғдой ширин бўлур, тез ўсгай, савдогарлик(баста) ёмон бўлғай. Бу йилда заифларнинг аҳволи хўб бўлғай. Аммо катталар бисёр мансабдорлик бўлғайлар. Валлоҳу аълам биссавоб.

**Ҳаким ат Термизий**

**“Hurriyat” гурунги**



Хориж фильмлари ёки сериалларини томоша қилаётганда баъзан унинг оригинал тили ва қайси халққа мансублигини унутаёзамиз. Бунга сабаб нима? Фильмнинг маҳорат билан ўзбекчага ўгирилгани — дубляж ёки кадр орти синхрон таржима қилингани эмасми?! Дарвоқе, кадр орти машаққатларидан ўтиб, экран юзини кўрган юзлаб чет эл фильмлари дубляжнинг моҳир усталари сабаб бизга қадрдон бўлиб қолган.

Таҳририятимизнинг бугунги меҳмони ушбу соҳа устаси, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов билан суҳбатимиз шулар хусусида кечди.

**— Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли, деганларидек, баъзан болаликнинг сирли сарҳадларида кезинамиз, ўша беғубор дамларни қўмсаймиз. Инсоннинг болалик орзулари умри давомида ҳамроҳ бўларли ишларга ундайди ва бу ҳаётига мазмун бағишлайди. Эл ардоғидаги санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқовнинг болалик орзулари не чоғлик амалга ошди?**

— Ёшликда орзулар ниҳоятда баландпарвоз бўлади. Бир кун учувчи бўлишни орзу қилсанг, иккинчи кун бошқа касбни хоҳлаб қоласан. Мен ҳам шу жараёндан ўтганман. Аниқ фанлардан аъло баҳога ўқиганим боис физик ё математик олим бўламан, деб юрардим. Ўн олти ёшимда қаттиқ касал бўлиб қолганимда, шифокорларга меҳр қўйиб, шу касбни ҳам орзу қилганман. Менинг наздимда актёр ё хонанда бўлиш учун шундай туғилиш керак, тасаввуримда бу касбни ўқиб ўрганиб бўлмайди, деган тушунча бор эди. Авиация техникумида ўқиб юрган пайтларимда театр санъати институтининг газетадаги эълонига кўзим тушиб қолди. Драма ва кино актёрлиги бўйича ёшлар ўқишга қабул қилинаётган экан. Шунга қизиқиб, актёр бўлиш орзуси миямга ўтириб қолди. Техникумни битириб, заводга бориб ишладим. Лекин ўша орзу тинчлик бермади ва институтга бордим. Қарасам, тумонат одам — кимдир қўшиқ айтган, кимдир шеър айтган, уларни кўриб, мен буни эплолмайман деб, қайтиб кетдим. Дадам орзуимдан хабардор бўлгани боис мени киностудияда очилган кечки курсга етаклаб борганлар. Бу курслар оммавий саҳналарга ташқаридан одам олмаслик учун унда иштирок этадиган ёшларга соҳадаги бошланғич таълимни бериш мақсадида очилган экан. Шу курсда ўқий бошладим ва киностудияга киномеханик бўлиб ишга кирдим. Курсда бизга санъат институти ўқитувчилари сабоқ берарди. Мен саҳна нутқидан дарс ўтадиган домламиз, Ўзбекистон халқ артисти Назира Алиевага маъқул тушдим. У киши мени институтга тайёрладилар, насрий асарлардан парчалар ўқирдик. Ҳужжат топширгач, биринчи турда битта қўшиқ айтиб беришимни сўрашди, “мен отарчи эмасман”, деб юборибман. Кейин қовун туширганимни билиб, узр сўрадим ва дутор чалиб, “Баланд тоғ устида бир қизни кўрдим...”, яна бир нималар деб қўшиқ айтиб бердим (мусиқа мактабида рубоб бўйича ўқиганим қўл келди). Аммо тарих фанидан билимим етмади. Иккинчи йил шу фандан ҳам зўр жавоб берганимни кўриб, домла “Мана, шу бола ўтган йили ўқишга киролмаган эди. Ўқиса бўларкан-ку!” деди-да, барибир тўрт қўйиб берди. Балим етмагани учун мени сиртқи бўлимга олишди. Сиртдан ўқиб, ҳозирги Ўзбек давлат миллий академик драма театрига саҳна ишчиси бўлиб ишга кирдим. Ўша пайтда театрда хизмат қилган барча атоқли санъаткорлар мен учун катта сабоқ мактаби бўлган. Институтни битирар-битирмас режиссёр ёрдамчиси вазифасигача бўлган поғонани босиб ўтдим. Ўқишни тугатгач, шу даргоҳга ишга олишди, труппага қабул қилишди. Ўша йили Баҳодир Йўлдошев бош режиссёр этиб тайинланди ва у ёшларга алоҳида эътибор бера бошлади. Шиллернинг “Қароқчилар” пьесаси асосида саҳналаштирилган спектаклда бош қаҳрамоннинг ўртоғи Швейцар ролини менга беришди. Бу театрдаги биринчи ролим эди...

**— Касбидан, қилаётган ишидан қониқиб яшаш ҳам бахт. Халқимиз сизни нафақат яхши актёр, балки ноёб овоз соҳиби, дубляж устаси сифатида ҳам қадрлайди. Касбингизнинг, том маънода, санъатнинг қайси қирраси муҳимроқ?**

— Бутун ҳаётим театрда ўтяпти. Шу даргоҳнинг паст-баландини ўргандим. Доим бир гапни айтаман: асосий ишим — театр. Бу даргоҳда томошабин билан мулоқот қилиш имкони бор. Энг қизиқарли жойи ҳам шу — жонли мулоқот. Ундан ташқари, бажараётган ролингни ривожлантириш, янада яхшироқ ижро

# “ТЕАТР —

этиш имконини беради. Мен учун бу ниҳоятда завқли жараён. Саҳнадаёқ қилаётган ишингнинг натижасини кўрасан. Залдаги муҳитни сезиб, шундан илҳомланиб турасан. Буларнинг бари менинг ҳаётим.

**— Дубляж ҳақидаги фикрни тўлдирсак, бу санъатда ҳам мактаб яратган дарғаларимиз кўп. Ҳамза Умаров, Тўлқин Тожиев, Мукамбар Раҳимова, Ҳожиакбар Нурматов, Римма Аҳмедова, Ойбарчин Бакирова — юзлаб қаҳрамонларнинг қиёфаси уларнинг салобатли, ширали овози орқали мухлислар қалбидан чуқур жой эгаллаган. Ҳозирги кундачи, ўзбек дубляж санъати бугун қайси поғонада турибди, деб ҳисоблайсиз?**

— 90-йилларгача бизда йилига 60 та фильм дубляж қилинарди. Битта плёнкага фильм ёзилган бўлса, магнит плёнкаларда — бирида турли шовқинлар, бирида мусиқа, яна бирида актёрларнинг овози бўларди. Русча овоз ўрнига ўзбекча овозлар ёзилиб, тасмага кўчириларди. Бу жуда мураккаб жараён бўлиб, лаборатория шароитида амалга ошириларди. Натижада, фильмдаги актёрлар съёмка жараёнида худди ўзбекча гапиргандай бўлиб чиқарди. Мана буни дубляж дейишади. Ўша пайтлар дубляж санъат даражасига етказилган, ўзбек дубляж мактаби мавжуд эди. Дубляж қилинган фильмлар фестивалида ҳар йили “Ўзбекфильм” маҳсулоти юқори ўринларни эгаллаб келган, учинчи ўриндан пастга тушган эмас. Ҳам бадиий, ҳам актёрлик маҳорати, ҳам режиссура жиҳатидан юқори баҳоланарди. 1990-йилларга келиб, илгаригидек шовқинлар, актёрлар овозию мусиқа алоҳида магнит плёнкаларда эмас, шуларнинг ҳаммаси битта “дорожка”да кетадиган қилиб олинадиган бўлди. Бундай фильмларни дубляж қилишнинг имкони йўқ эди. Чунки технология ўзгарди, оқибатда асосий овоз пасайтирилиб, устига ўзбекча овоз ёзиладиган бўлди. Бунда фильмдаги оригинал овоз ҳам эшитилиб туради ва бу томошабинга халақит беради. Бошқа йўли бўлмагач, овозлаштириш учун фақат икки кишини — эркак, аёл овозини қўйиб кўришди, бўлмади, ҳар бир персонажга алоҳида овоз бериб ҳам кўришди, барибир аввалгидек чиқмади. Хуллас, 1992 йилда улоқни телевидение олиб кетди. Ҳиндларнинг “Маҳобҳорат” фильмини ўзбекчага ўгиришди ва овозлаштириш учун эски дубляж мактабидан чиққан тўрт киши — Римма Аҳмедова, Ойбарчин Бакирова, Ҳожиакбар Нурматов ва мени таклиф қилишди. Техника ривожланмаган, биз эса аввалги дубляж

# СКАФИРИНГУС — АМУДАРЁ АЖОЙИБОТИ

**Ҳайрат**

Сарлавҳада берилган ноодатий хориж сўзи бир пайтлари машҳур бўлган воқеани ёдга солади. Гап шундаки, иккинчи жаҳон уруши ниҳояланиб қолган пайтлари Ялта шаҳрида бир қатор иттифоқчи давлатлар бошлиқлари иштирокида бизга тарихдан яхши маълум конференция бўлиб ўтади.



...Хуллас, 1945 йил февраль ойининг 4- ва 11- кунлари оралиғида бўлиб ўтган бу воқеа тахминан шундай кечади: АҚШ Президенти ҳузурига ташриф буюрган шўро салтанати ҳукмдори Сталин суҳбат чоғида унинг соғлигини сўрайди. Рузвельт ўшанда сурункали касалликдан озор чекарди.

Бу кўнгил сўрашга жавобан у:

— Ҳаммаси “о кэй” (яхши), аммо, эрталабки нонуштамга скафирингус қўйилмади, тугаб қолгани чатоқ, чунки у фақат бизнинг Миссисипида учрайди, — дейди беҳафсала қўл силтаб.

Меҳмон ҳузуридан чиққан Сталин махсус хизмат мутасаддисини қабулига чорлаб муаммони зудлик билан ҳал этишни буюради.

Тушунган бўлсангиз, тегишли муассаса ва ташкилотлар кўз очиб юмгунча бу тадбирга жалб этилади.

Орадан бир неча соат ўтганда эса... Амударё сувининг Термиз шаҳри ёнидан ўтган қисмида скафирингус балиғи тутиб олинади ва зудлик билан тез учар самолётда талаб қилинган жойга етказилади.

Шундай қилиб янаги куни эрталаб нонуштага ўтирган Франклин Делоно Рузвельт кўрадики, унинг овқат столида, ўзи дунёда фақат Миссисипида учрайди, деб ҳисоблаб юрган скафирингус балиғидан тайёрланган шифобахш таом турарди!

Ривоятомуз бу воқеани эслашдан мурод шу эдики, ўша балиқ Ўзбекистон диёрининг бир кокилини ўриб турган Амударёмиздан топилганлигида!..

Бизга Оллоҳ ато этган инъомлардан бири бўлиб қололмайдими бу далил!?

Савол туғилади: дунёда фақат Миссисипи ва Амударёда учрайдиган скафирингус балиғи қандай нарса, ўзи?

Бу тўғрида турли нашрлар ва интернет маълумотларини жамлаб қуйидагича мулоҳаза юритамиз: скафирингус (Scaphirhynchus) осётр балиқлари оиласига мансуб. Ер юзида осётрларнинг 25 хили учрайди. Ўзбек миллий энциклопедиясида ёзилишича, осётр тилимизда ***бакрабалиқ*** дейилади, баъзан ***филмой*** ҳам деб аташади. Танаси дуксимон, тумшуғи чўзиқ, оғзи бошининг пастида. Скелети тоғайдан ташкил топган.

Осётрсимон балиқлар Ер сайёрасининг фақат шимолий ярим шарида тарқалган ва уларнинг ҳаёт кечириши чучук сув ҳавзалари билан мустаҳкам боғлиқ.

25 хил осётрдан олтитаси фарқланади: фан уларнинг бошқа бакрабалиқ турларидан танаси чўзиқ ва бош тепаси ялпоқлиги, тумшуғи катта ва кенг эканлиги ҳамда унинг узун думи ипсимон ўсиқ тарзида давом этиб кетавериши билан ажралиб туришини аниқлаган.

Ана шу олти тур балиқнинг бари умумий кўриниши жиҳатидан куракка ўхшаб кетади, шунинг учун ҳам уларни русчада бироз кулгилироқ ном билан ***лопатонос*** деб аташ қабул қилинган. ***Лопатонос*** лотинча ном билан скафирингус саналади.

Қомусий маълумотларга кўра, скафирингус — лопатоносларнинг уч тури Шимолий Америкада оқадиган Миссисипи ва Миссурида, қолган уч тури эса Амударёда учрайди. Яратганнинг қудратини кўрсангиз, қабариқ Ернинг икки қарама-қарши томонида, бир-биридан ўн минглаарча чақирим узоқликда азалий оқиб турган икки наҳр балиғи тана тузилиши, шакли ҳамда ҳаёт кечириш тарзи жиҳатидан ўзаро жуда яқин...

Ер шарининг Осиё қисмида жойлашган Амударё, унинг юқори ва ўрта оқимида учрайдиган скафирингус балиғи кейинги 50 йил ичида қарийб йўқолган дея ҳисобланиб, махсус ноёб тур сифатида аллақачонлардан буён “Қизил китоб”дан ҳам жой олган экан!

Энди агар “бизнинг шу” скафирингусни тавсифлайдиган бўлсак, урчуқсимон ва куракка ўхшаб кўринишли ғаройиб балиқнинг узун танаси уч қатор кичик-кичик суякли тишчалар билан қопланган. Қаторлардан бири балиқнинг юқорисига яқин туради, қолгани икки ён томонида. Калласи кенг ва унинг усти япалоқ, бошининг пастидан жой олган оғзи ҳам анчагина катта. Сузгич думининг юқорироғидан бошланган узун ипсимон ўсиғи роса чўзилгандан чўзилиб кетади. Тепаси ва ёни очиқ-малла, пасти сарғиш, сузгич думи эса кулранг тусдадир.

Ихтиолог Владимир Сальников скафирингус Амударёнинг тоғолди ва ўрта қисмидаги тез оқувчи лойқа сувлари шароитига мослашиб яшашини аниқлаган. Ўрта ва кичик ҳажмли скафирингус сув оқими турғун ва суст бўлиб қолган ҳолатларда гум жойларга қочиб кетади. Кимёвий ва органик таъсирларга сезгир ва жуда секин ўсади. Узунлиги бир метрдан, оғирлиги бир неча килограммдан ошмайди.

Кўриниб турибдики, бу балиқни овлаш ва тутиш ҳеч ҳам осон эмас!

Лопатонос-скафирингус бундан юз йиллар илгари кўп овланган ва ашаддий балиқчилар мазкур ажойиб балиқ гўштининг ўта мазали таъмидан роса мириқишган. Умуман, ушбу балиқ гўштидан тайёрланган шўрва, айтишларича, “шоҳона таом” дея ҳисобланган экан, яъни подшолар, ҳукмдорлар уни тановул қилишни яхши кўрганлар.

Энди шу ўринда камина фикр қилдимки, минг йиллардан буён қадимий Жайҳун ёқаларида умргузаронлик қилиб келган халқимиз наҳотки, бу балиқни билмаса.., майли, ёзма манба-китобларда учрамасин, лекин бу ҳақда одамлар хотираси, эсдаликлари авлоддан-авлодга ўтиб юргандир?

...Ҳа, шундай бўлган!

...Эртак ва ривоятлар тарзида!

Жумладан, таниқли болалар шоири, устоз Болтажон Содиқов ўз ўтмиш ҳаётини қаламга олган “Болаликнинг қайғули қўшиғи” ҳужжатли қиссасида Жайҳундарё сувида ғарқ бўлаётган ва чўкаётган одамларни қутқазувчи хосиятли бир балиқ ҳақида ривоят келтиради.

Қиссада келтирилган яна битта эртакнинг қисқача мазмуни шундай:

— Бир бола отадан ажраб ўгай она қарамоғида қолибди. У ўгай онанинг буйруғи билан Жайҳунга тўр ташлаб чиройли бир балиқни тутиб олибди.

У балиққа қараб-қараб турибди-да, раҳми келганидан уни дарёга қўйиб юборибди.

Уйга қайтганда боланинг қилган ишидан жаҳли чиққан ўгай она тезда ўша чиройли балиқни овлаб келишни буюрибди. Бола ноиложликдан яна дарёга тўр ташлабди, аммо бу гал ҳам балиқни қўйиб юборибди. Ўгай она бу сафар уни қарғабди ва ўша балиқни олиб келмаса уйга қайтмаслигини айтибди.

Бола хафа бўлиб чиқиб кетади ва кўприк устида ўзига ўхшаган бир бола билан танишиб, ака-ука тутинади.

Улар биргаликда шаҳар ва қишлоқларни кезадилар, бошларидан кўп саргузаштлар ўтади.

Ука тутинган бола акасини турли бало-қазолардан сақлаб юрар экан. Вақти-соати келиб у акасига подшонинг қизини олиб беради. Улар катта бойликка ҳам эга бўлишибди. Ахийри, юртларига қайтишибди ва болалик пайтида учрашган ўша кўприк устида тўхташибди.

Шунда ука акасига “Мен Жайҳун дарёсида сиз тутган балиқ бўламан, янгамни ҳам, бойликларни ҳам сизга топшираман, мендан рози бўлинглар” деб ўзини дарёга ташлаб сузиб кетибди.

Ўша балиқнинг номи қилқуйруқ бўлган. Қилқуйруқ яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтарибди (Болтажон Содиқов. “Болаликнинг қайғули қўшиғи” ҳужжатли қиссаси, Тошкент, 2006, 40-44- бетлар).

...Термиз шаҳри ўттиз маҳалладан ташкил топади. Маҳаллалардан бири “Аму соҳили” дея чиройли номланган. Ўтган ёз ойларидан бирида ана шу маҳаллага тегишли сув ҳавзасида чўмилиб ўйнаб юрган болалар мўъжазгина балиқчани тутиб олишди — бу скафирингус, яъни қилқуйруқ эди.

Янгилик дарҳол экоҳаракат вакиллари эътиборига етди. Уларнинг таъкидлашича, Термиз ҳудудида бу ҳолат иккинчи бора рўй бермоқда эди.

Дарвоқе, вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг мутахассисларидан бирининг гувоҳлик беришича, лопатонос-скафирингус маҳаллий халқ тилимизда “қилқуйруқ” атамасидан ташқари яна “куракбурун” деган номга ҳам эга экан.

Ер шарининг фақат иккита — Миссисипи ва Аму дарёларида учрайдиган, хуштаъм ва дармондорлик сифати билан ноёб, оламда машҳур ажойиб балиқнинг халқимиз тилида азалдан истеъмолда бўлган номлари ўзбек тилининг изоҳли ва бошқа луғатларига ҳали кирмаган!

**Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ,**
*Термиз шаҳри*

**Билмаганни билган яхши**

***— Фермер хўжалиги бошлиғига қонунга кўра қандай талаблар қўйилган?***

Ш.Бобоев, Хатирчи тумани

***— “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига биноан ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси фермер хўжалиги бошлиғи бўлиши мумкин.***

***— 20 бош чорва молим бор. Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги ташкил этсам бўладими?***

**Б.Фарманов, Навбаҳор тумани**

***Йўқ, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига биноан чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилиши белгиланган.***

***Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бош чорва молга ҳисоблаганда суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, суғорилмайдиган ерларда камида 2 гектарни ташкил этади.***

***— Деҳқон хўжалиги аъзолари қандай ҳуқуқларга эга?***

*О.Мамадиев, Зангиота тумани*

**— “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-моддасига кўра, деҳқон хўжалиги аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

**Хўжалик аъзолари ўртасидаги шартнома шартларига кўра биргаликда ёки якка тартибда фойдаланиладиган даромаддан ўз улушини олиш;**

**Қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиш ва ижтимоий таъминланиш, шунингдек, товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун деҳқон хўжалигида сарфланган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб борилган тақдирда меҳнат стажига киритилиш ҳуқуқига эга.**

**Саволларга Навоий вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Б.ДЖУМАЕВ ва Зангиота тумани 1 ДНИ нотариуси Абдувоситхўжа БОИСХЎЖАЕВ жавоб берди.**

# МЕНИНГ ҲАЁТИМ”

ишига мослашганимиз боис ниҳоятда қийналдик. Негаки, ҳинд актёрларининг овози эшитилиб турибди, масалан, персонаж у ёқда йиғлаб турганда биз ҳам йиғлаб овоз берсак, тасаввур қилинг, нима бўлади. Бу эса ўша персонаж ролига кириб овоз бериш имконини чеклайди. Шунинг учун ҳам тез-тез узилишлар бўлиб қоларди. Ўша узилган жойини қирқиб, тасмани тўғирлаб олгунча ярим соатлаб кутиб турардик. Эски дубляж жараёнида ҳар бир персонажга алоҳида, ўзига мос овоз танланарди. Телевидениеда бундай имконият йўқ. Шу боис ўша пайтдаги режиссёримиз Баҳодир Муҳамедов нейтрал овоз эгаси сифатида ана шу тўрт кишини танлаганди. Агар овозларни суюқликка қиёслайдиган бўлсак, бизники оддий сув. Кимнингдир овози зайтун ёғидек, бошқасиники ўрик шарбати ёки коньяк. Персонажнинг овози “аччиқ” бўлса-ю, унга “ўрик шарбати”ни қўшса, бундан маъни чиқмайди. Сув эса универсал суюқлик, ҳамма нарса билан “кетаверади”. Қисқаси, ҳозирги қилинаётган ишларни дубляж деб бўлмайди, бу кадр ортидан синхрон таржима...

**— Бир фильмда бир неча қаҳрамонга, ҳатто бутун бошли фильмнинг барча образларига овоз берган вақтларингиз бўлади, масалан, шотландларнинг “Шерюрак” фильми дастлабки варианти. Нега, қайси пайтда шундай йўл тутилади?**

— Ҳақиқатан бир кишининг овози билан ҳам синхрон таржимани бинойидай қилиш мумкин. Фильм матни таржима қилинган ва эфирга кетиши режалаштирилган, тезда овозлаштириш керак. Шундай пайтда битта тажрибали, нейтрал овоздан фойдаланилади. Мана, “Шерюрак”ни мисол келтирдингиз. Самарқандлик бир мухлисимиз айнан шу фильмнинг икки вариантини ҳам кўрган экан. Телефон қилиб, “Афзал ака, сиз овоз берган биринчи вариант яхши эди-ку, нега бошқатдан қилишди. Буниси менга маъқул бўлмади, кўриб бўлмаяпти-ю” дейди. Бир ўзим овоз берган фильмлар кўп эди, ҳозир уларнинг ҳаммасини кўп овозли қилишяпти...

**— Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугун нафақат дубляж санъати, балки бадиий ўқиш борасида ҳам ибрат кўрсатяпсиз. Хусусан, анчадан буён телевидение орқали бериб борилаётган классикларимиз достонларидан ўқиётганингиз шеърий композиция ёки радиоканалларда берилган муқаддас китобларимиздан парчалар, Пайғамбарлар қиссаси соҳир овозингиз орқали киши қалбига ором бағишлайди, руҳига қувват беради. Ушбу жараёнларда ўзингизда ҳосил бўладиган таассуротларингиз ҳақида ҳам билишни истардик.**

4

— Ҳа, Пайғамбарлар қиссасини “Орият доно” радиосида ўқиганман. Бу жараёндаги таассуротларни тушунтириш, сўз билан ифодалаш қийин. Улардан ҳеч бирининг ҳаёти енгил кечмаган. Айниқса, Муҳаммад алайҳиссалом қиссасини ўқиганимда неча марталаб йиғлаб юборардим ва “стоп, стоп” деб танаффус қилиб, ўзимга келиб олгач, кейин яна давом эттирардик. Қандайдир куч қаттиқ ҳаяжонга солиб, тўлқинлантирарди. Таъсирланмай илож йўқ, ўзингиз таъсирланмасангиз, бошқаларни қандай қилиб таъсирлантирасиз?!

1991 йилда театримизда “Искандар” спектакли қўйилган ва унда мен Навоий ролини ижро этгандим. Бунинг учун, аввало, Навоий асарларини ўрганиб, ижоди билан яқинроқ таниша бошлагач, унга шу қадар ишқим тушдики, афсус, илгари ана шу неъматдан баҳраманд бўлмаганмиз. Чунки давр шуни тақозо қилган. Кўп асарлар бекитиб ўқиларди. Хуллас, 25 йил бўлдики, мен Навоийнинг ижод уммонида сузиб юрибман. Ҳазратнинг асарларидан парчалар ўқиш режалаштирилгач, навоийшунос олимлар билан маслаҳат қилганмиз. Асарларни насрий баёнларсиз оригинал вариантини халқ қандай қабул қиларкин, мени шу қизиқтирган ва шундай ўқийман деганимда, олимлар “Афзал ака, ортидан насрий баёнини бермасангиз, одамлар тушунмайди”, дейишган. Мен ишонмадим ва йиғинларда достонлардан кичик-кичик парчалар ўқий бошладим. Тўғри, сатрлардаги асл маъно-мағзига тўлиқ тушунишмас балки, лекин бу буюк алломанинг асарларида қандайдир сеҳр, сир-синоат борки, ундан ҳар бир киши нимадир кашф қилади ўзи учун. Насрий баёнларсиз ўқиганимда ҳам диққат билан тинглашади. Менимча, тушунилмай қолган ўринларни ҳиссиёт билан тушунишади, чунки қонимиздаги генлар аждодларимиздан ўтиб келган-ку! 10-12 ёшли ўсмирларни бир ерда тинч ушлаб туриш, диққатини жамлаш қандай мушкуллигини ҳаммамиз биламиз. Уч юзтача шу ёшдаги бола йиғилган жойда “Садди Искандарий” асаридан Искандарнинг онасига ёзган хатини ўқиб бердим. Шу қадар диққат билан, кўзлари ёниб тинглашди, хурсанд бўлдим, шу ишга ҳисса қўшаётганимдан ғурурландим. Тугагач, шундай қарсак чалишдики, катталар бундай олқишламайди. Менимча, ҳали Навоийни ҳамма тушуниб ўқийдиган давр келади.

5

Мана, бу йил ҳазрат Навоий таваллудининг 575 йиллиги кенг нишонланди. “Хамса” асарини аввал симфоник оркестр билан ўқиганимни кўпчилик кўрган. Шунинг театрлаштирилган вариантини рус драма театрида қўйиб бердик. Мен асарни ўзбекчада ўқийман, актёрларимиз рус тилида ижро этиб беришади. Ажойиб спектакль чиқди, залдагилар ҳаяжон билан томоша қилди.

**— Республикамиз театрларида, шунингдек, кино соҳасида турли мавзу ва жанрларда кўплаб спектакллар, фильмлар яратилмоқда, ўзига хос ижодий изланишлар давом этяпти. Соҳадаги кўп йиллик тажрибангиздан келиб чиқиб, айни пайтда бугунги ҳаётимизни, замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ҳар томонлама чуқур очиб берадиган, ҳам драматургия, ҳам режиссура нуқтаи назаридан бадиий юксак асарлар сифатида қайсиларини кўрсатган бўлардингиз? Умуман, бугун театр ва кино ижодкорлари олдида қандай вазифалар турибди?**

— Бир сиёсий-ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш ҳамма вақт ҳам осон бўлмаган. Шукрки, 25 йилдан буён осойишта юртда хотиржам яшаяпмиз, ижод қиляпмиз. Давлатимиз раҳбари доим замона қаҳрамонлари образини яратиш ҳақида гапирадилар, шу муҳим масала турибди олдимизда. Тўғри, бугун ҳам истеъдодлар бор, соҳада муайян ишлар қилиняпти. Аммо мукаммал асар яратиш учун, аввало, бўлаётган ўзгаришлар, турли жараёнларни ижод аҳли ҳазм қилиб олиши керак. Шундан сўнг ҳақиқий асарлар яратилади. Адабиёт, драматургия бу публицистика ё янгиликлар хабари эмаски, кечаги ишни бугун дарров ёритиб беришса. Бунинг учун вақт керак. Замонамизни тўлақонли очиб берадиган асарлар, албатта, яратилади...

**— Ҳозир рус драма театрида ишлаётган экансиз. Ўзбек театри ихлосмандлари — мухлисларингиз учун ҳам тақдим этиладиган нимадир борми?**

— Бир пайтлар рус маданиятида суягим қотган, бунинг устига доим янгилик қидираман. Ҳеч ким қўл урмаган ишларни қилсам, дейман, чунки авлодлар ёдида қоладигани шу. Бу даргоҳда янгилик топгандай бўлдим. Мана, юқорида айтганим Навоий ҳазратлари таваллуд кунига бағишлаб саҳналаштирилган спектакль ҳам ҳеч қаерда қўйилгани йўқ. Ёки ҳазратнинг асарларини симфоник оркестр билан ўқиш, Қуръони карим маъноларининг ўзбекча таржимасини ўқиш — мана шулардан қониқиб ишлайман. Агар шунга ўхшаш янгиликлар бўлса, таклиф қилишса, бажонидил ҳисса қўшган бўлардим.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат, омон бўлинг.**

6

**Холида ФАЙЗИЕВА суҳбатлашди.**

**» Мушоҳада**

Ҳозирги ўзбек кино оламида қайнона-келин муаммоси, рўзғор ташвишлари, оилавий ҳаёт манзараси асосий мавзуга айланиб қолган. Кўпчилик, яна шу мавзуми, маиший кинолар жонга тегди, деб нолишади, гоҳида.

# КОМЕДИЯГА ЖИДДИЙ НАЗАР

Лекин бундай ҳолат аввал ҳам бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Муҳими, мавзунинг эски, янгилигида ёки катта кичиклигида эмас, уни қандай қилиб томошабинга етказиб берилишидадир. Усулнинг ўзгачалиги ўша мавзу атрофида янги фикр айта олиш, ҳеч ким илғамаган томонини кўрсата билишдадир. Ахир, бир инсон ҳаёти билан бутун бир даврни, бир оила тасвирида жамиятнинг ижтимоий ҳаётини кўрсатиб бериш ҳам мумкин. Масалан, Саид Аҳмаднинг 1976 йилда ёзилган “Келинлар қўзғолони” ҳажвий саҳна асари ва у асосида 1984 йилда суратга олинган кинокомедия ёки спектаклини ёдга олсангиз ҳам юзингизга енгил табассум югуради. Уларнинг яратилганига анча фурсат бўлган бўлса-да, ҳали-ҳануз зангори экранлардан тушмайди. Қайта-қайта томоша қилсангиз-да, ғашингизга тегмайди. Аслида, бу ҳам ўша қайнона ва келин муаммоси, оилавий ҳаёт тасвиридир. Аммо унинг киноси ҳам, спектакли ҳам, бирдек машҳур. Бунинг сабаби, асарнинг яхши ёзилганидадир. Зуваласи маромида етилган хамирдан сомса қиласизми ёки нон ёпасизми, барибир мазали чиқади. Бундан ташқари, асар ҳам, спектакль ҳам, кино ҳам шунчаки бир-бирини такрорламайди, ўзига хос янги воқеалар, образлар, ҳолатлар қўшилган ёки аксинча баъзилари тушириб қолдирилган. Масалан, кинодаги суюкли набира Аббос образи спектаклда ҳам, асарда ҳам йўқ ёки ундаги уста Боқи билан Фармонбибининг тушларидаги Азимшер руҳи ҳақидаги суҳбати тасвирланган воқеа кинодан ҳам, спектаклдан ҳам жой эгалламаган. Асарда Саид Аҳмаднинг юмор ортидаги фалсафий юзи, спектаклда у билан бирга режиссёр, саҳнавий кўринишга келтирган Баҳодир Йўлдошевнинг мулоҳазали қиёфаси кўзга ташланади. Кинода ҳам Мелис Абзаловнинг тадбирли ғояларини илғашингиз мумкин. Уларнинг ҳар бири ўз санъат асарларида “мен”ини намоён этишга уринган кино санъати, театр ёки ёзма адабиётнинг бир-бирига ўхшамаган нозик қирраларини очиб берган. Албатта, кино ва спектаклнинг дунёга келиб, шуҳрат қозонишида нафақат, режиссёр маҳорати, балки актёрлар истеъдоди, жонли талқини, декорация ёки оператор синчковлиги ҳам алоҳида ўрин тутади. Актёрларнинг қойилмақом ижроси туфайли қаҳри қаттиқ Фармонбиби, маҳмадона Сотти, замонавий келин Нигорахон қалбимизнинг туб-тубига кириб борган. Сўзимиз исботи “Ў-ў, унинг қайнонаси ҳақиқий Фармонбиби”, “Соттига ўхшамасанг-чи” каби ибораларни жуда кўп марта эшитамиз, қуллаймиз, яъни бу билан образларнинг ўзимизча реал ҳаётимиздаги характерини яратамиз.

“Келинлар қўзғолони”да, нафақат қайнона-келин муаммоси, оилавий келишмовчиликлар, балки ўғилларнинг онасига бўлган ҳурмати, садоқати онанинг қаҳр ортидаги сўнмас меҳр-муҳаббати ёки келинларнинг аҳиллиги бир-биридан ёрдамини аямаслиги тараннум этилган. Оилавий муаммоларнинг енгил кулгу остидаги ечими кўрсатиб берилган. Қиз боланинг ўз хонадонидан бошқа бир хонадонга бориши унинг ҳаётидаги кескин бурилиш бўлса, икки оила ўртасида қуда-андачилик қариндошлик каби янги муносабатларнинг ўрнатилишидир. Келинлар қўзғолонидаги воқеалар ўша даврда ҳам, бугунги ҳаётимизда ҳам айни юз бераётган ҳодисалардир. Чунки, ҳозир ҳам кундалик турмушимизда қаҳрли қайноналарни ёки маккора келинларни кўп учратиб қоламиз. Унда оилавий тинч-тотувлик, эркин ва фаровон турмуш, меҳр-муҳаббат, қадр-қиммат кабиларнинг нақадар лазиз туйғулар экани таъсирли тасвирланган.

Ҳар бир санъат асарида бўлгани каби “Келинлар қўзғолони”да ҳам индивидуаллик ва умуминсонийлик, хусусийлик ва умумийлик маънолари илгари сурилган. Ундаги бир оила ҳаёти ва унинг муаммоси оилавий муносабатлардаги зиддиятлар, келишмовчиликлар, уларнинг бартараф этилиши асарнинг индивидуал хусусий маъноси бўлса, озод, фаровон ҳаёт, мустақиллик, эрк учун курашиш ёки қарамлик, бировга бўйсуниш, мутелик каби умуминсоний туйғуларнинг ҳам кичкина деталлар, содда воқеаларда акс этган ёрқин қиёфаси умуминсонийлик, умумийлик маъносини беради. Бу асарда оддийгина бир оила ҳаёти мисолида: давр ҳолати, жамиятнинг ижтимоий ҳаёти акс этган дейишимиз мумкин. Биламизки, ўша пайтларда ўзини раҳнамо деб ҳисоблаган СССР ҳукумати ўзига қарам бўлган ўн бешта республикадан ҳар йил охирида план топшириш кераклиги баҳонасида уларнинг тайёр маҳсулотлари ер ости бойликларини тортиб олиб, ўзлаштирган. Деҳқонларнинг ихтиёрида бир чаноқ пахта ҳам хирмонида бир ҳовуч буғдой ҳам қолдирмаган. Фармонбибининг ҳам ҳар ой охирида ойликларни йиғиб олиши, ҳатто, туфлисининг остидаги сариқ чақани ҳам қолдирмаслиги юқоридаги манзарага ўхшаб кетади. Фақат жон сақлаш учунгина мустамлака республикаларга ҳисоб-китобли маблағ ажратилади, худди, Фармонбиби ўғилларига бир сўм ёки эллик тийиндан ишга бориб келиши учун бериб тургандек. Ёки ўша даврда ҳар бир ташкилотда Соттига ўхшаган бошқа ходимларнинг қадамини пойлаб юрувчи, барчанинг ҳаракатлари тўғрисида иғво ва бўҳтон аралаш маълумотларни юқорига етказиб турувчи “шпион”лар йўқ бўлган, деб ўйлайсизми? Қанчадан-қанча виждонли, юртпарвар боболаримиз бундай инсонлар иғволарининг жабрини тортмади. “Келинлар қўзғолони” спектаклидаги *“бу қайси хонлик замони”*, *“қайси феодалнинг уйи”* *“қул эмасмиз”*, унинг киносидаги *“Раисли колхозда яшай олмайман”* жумлалари шунчаки эмас, жамият юзига айтилган сўзларга ўхшайди. Бир қарашда ҳеч ким ҳаётидан норози эмасдек, чунки анча йиллардан бери мустамлака мамлакатда яшаётган халқ, озмунча, бўлса ҳам бу ҳаётга кўникиб ўлгурган. Аммо четдан назар ташласангиз эркин ҳаёт, ҳур фикрликдан йироқ анчайин аянчли тақдирлар эканлигини илғайсиз. Маҳкамнинг укалари ва келинларига қарата айтаётган *“Кенжа келиннинг таъналари тўппа-тўғри, бу бир, янги келган одам аҳволимизни дарров билади, бу икки. Ўзимиз сезмаймиз, ўрганиб кетганмиз, бу уч. Уят, уят, бу тўрт”* гаплари фақат оила аъзоларининг ҳолатини эмас, ўзбек халқининг ўша кунлардаги аҳволидан сўзлаётгандек. Яна ўша Маҳкамнинг бир гапи ҳаммани мулоҳаза қилишга ундайди: *“...эркимизни қўлимиздан олиб қўйганлар. Демак, биз эркимизни қўлга олиш учун курашишимиз керак. Ана, энди мақсадимиз аниқ бўлди”*. Эрк учун кураш қарамлик, тобелик исканжасига тушиб қолган бутун халқимиз мақсади эди.

Масхарабознинг юзи доимо кулиб туради. Лекин унинг кўзлари қорачиғларига яхшилаб назар солсангизгина қалб изтиробларидан бохабар бўлишингиз мумкин. Сатирик асарлар ҳам худди шундай, қувноқ сатрлар ортида мулоҳазага чорловчи моҳият ва изтиробга тўла қалб яширин бўлади. “Келинлар қўзғолони”да бир оила мисолида жамият ҳаёти кўрсатиб берилган: тотувлик, тинчликнинг ўз-ўзидан келмаслиги, жасорат, фидокорона курашлар меваси экани, озодлик, мустақилликка эса фақат аҳиллик билан эришиш мумкинлиги очиб берилган. Бир сўз билан айтганда бу асар мустақил давлат, эркин ҳаёт соғинчидан дунёга келган, дейишимиз мумкин.

Ҳозирги киноларимиз ҳам ҳақиқий санъаткорона меҳнат, чин истеъдод маҳсули бўлсагина томошабинлар қалбидан жой эгаллайди. Қандай мавзуда бўлмасин, кенг қамровли маъно, мулоҳазали моҳият, ижтимоий ҳаётимизни жонли акслантирса, эски мавзу, маиший кино сифатлари берилмайди. Ана ўшандай санъат асарлари бугун яратилиб эртага унут бўлиб кетмаслигига “Келинлар қўзғолони” яққол бир мисол бўла олади.

**Санжар ЭШМУРОДОВ**

# Ҳакам — йиллар варақлари

**» Бу шундай туйғуки...**

Кўкнинг кафти оппоқ кабутарларга тўлди. Қуёшнинг нури уларни манзилларига кузатиб қўйди. Кабутарлар макон айлаган замин — Ўзбекистон бўлди! Беозор қушлар тинчлик элчилари бўлиб “ғур-ғур”лаганча ҳар хонадонни ўзиники айлади. Ҳовлиларда хотиржам донлади: шаҳарми, қишлоқми бир бўлди. Бири-биридан суюкли болажонлар уларни бағрига босди.



Кабутарнинг ғалвирсимон чаккаларини силаб қулоғига тилагини айтди. Шунда у кўкрагини кериб учишга чоғланди. Болакай пайпоқли кабутарнинг аввал қанотларини, сўнг оёқларини авайлабгина беозор силадида, кафтларини очди. Парвоз баланддан баланд бўлди. Қуёш билан тенглашди! Унинг нурлари билан курраи заминга таралди: юртимизнинг йигирма бешинчи довонга ҳам зафар билан қадам қўйганини қанотларини силкиб-силкиб ёйди!

Эй, Тинчлик элчиси! Сенинг хушхабар ёйган қанотларингни Бобом, Отам, Мен, Ўғилларим ва Набираларим кўзига тўтиё қилиб тавоф қилгай!

***

Дунёда қуёшнинг нурини ўлчагич борми?! Унинг билан тенглашадиган тафт, ёруғлик-чи? Уларни тарозуга солиб тенглаб олурми бу кўҳна олам!.. Посангини тенглаш учун гавҳар тош гоҳо корга ярамас. Юраги ёришмаган кимсага қуёшнинг ҳарорати тола иликлик бахш эта олармикин?.. Мўъжиза деймиз, уни кутамиз: кўнгилни бошқарадиган устурлоб МЕҲР, ЭЪТИБОР, ТИНЧЛИК эканлигини англаймиз-у, яна унга ташна бўлаверамиз. Биз шундан ором оламиз. Қанотли дўстларимиз, дея ташрифи таскин берадиган лайлаклар ҳам осойишта гўшаларда иморат тиклайдики, унда болалари соғ омон учирма бўлишини ҳис қилади. Улар жой танлайди — бехавотир маскан излайди! Ва топгани Ўзбекистон бўладики, ер шарининг ҳеч бурчини унга алиштирмайди. Лайлак болаласа, қишлоқнинг еттисидан етмишигача уяси ёнидан аста қадамлайди. Айтишадики, бу хосиятли қуш, унинг иззатини жойига қўйиш керак. Баҳорда қанча кўп келса элга тўй, юртга тинчлик-тўкинлик ёғилармиш... Биз эса унинг уялари ёнидан йўғида ҳам оҳистагина қадамлаб ўтамиз.

Мана баҳор келди — Истиқлолимизнинг навқирон йигирма бешинчи баҳори. Осмонимиз дарвозаларини тақиллатиб қўша-қўша лайлаклар карвони ташриф буюради: ҳар бири таниш, қадрдон — бобомдек, отамдек, боламдек. Қанот силкишидан уларни ажратиб оламан. Уларга термулиб бошдаги рўмоллар елкаларга тушади. Қўлимизга тутсак улар тинчликнинг байроғига айланади, гўё.

Юртим, шу байроғинг ҚЎРҒОНимиз муҳри бўлиб тарихимиз битикларида нондек азиз, рисқдек улуғ бўлсин!

### ОСМОН ТЎЛА ОҚҚУШЛАР

Оққушларнинг қанот силкишлари муҳаббатнинг минг йиллик куйини жонингга жойлаб ўтади. Умрингга қоядек улуғворлик берадиган САДОҚАТ ҳикматининг мағзини туямиз вужудимизда. Унга муносиблик онгу шууримизни бир ҳис билан аллалайдики, бу неъмат учун ҳар не меҳнат саодатдир. Садоқат дегани минг йилда савлат тўкадиган чинорки, унинг илдизлари — ўқ томирлари онанинг кўнглидан ўсиб чиққан гиёҳ. Унда етти оламнинг жами шифолари мужассам. Фидойилик умрининг устуни, ўзни унутмоқлик қон-қонига сингиб кетган оддийгина ҳол. У яшамоқни дунёнинг барака-ризқи деб билади. Борига шукр қилади, тақдирнинг пасту баландларини эса бир синов дея қабул қилади. Қўлига осмонни берсанг бошида тутади, ерга тушса тупроқни тавоф қилади. Ҳар кун сабр косасидан тотиниб, кўзлаган манзилига йўл олади. У ҳамиша отлиқ, сувки тинади, у эса режалар тузиб қачон кўзи илинганини билмайди. Бир йўловчи мисол қадам олишида дунёнинг юкини елкалаб кетаётганини тасаввур ҳам қилмайди. Дунё билан аёлнинг елкасидаги тафовут кўзларингни юмсанг ҳам очилиб кетаверади.

Луқмони ҳаким дейди: “...борча юкни торттим, бурчдан оғирроқ юк кўрмадим”. Ана шу юкни она шараф билан, кўнгли ёришиб, ёруғлик улашиб олиб юради. Она бир кафтида зиёни, бир кафтида ташвишларини тугиб... ўзи излаган манзилга етиб боради. Она дунёдаги жамики қувонч рангларини дасталаб фарзандига тутгиси келади. Қўйсангиз, боласини қуёшга қўшни қилади. Етмиш ёшли онага эллик ёшли фарзанди ҳамон бола. Она учун боласининг атак-чечаги, тилга кириши, ҳаракатлари... пиллапоялардан одимлаши, эришган ҳар тола қувончи — дунёдаги энг улуғ байрам. Яна дунёда энг тез ўсадиган, тез парчаланадиган ҳам оналар кўнгли. Ҳар томонлама соғлом, юртнинг фахри, иқболи бўлган, эл корига камарбаста фарзанд онанинг умрини ҳам, ризқини ҳам бутловчи чегачига қиёсдир.

— Осмон битта болам, — дейди фарзанди тўшакдан турган она, — ўғлим оёққа турган куни уйимнинг осмони баландлаб кетди, би-ир баландлади. Билсангиз, она титраганда қалтироқ тераклар ҳам чидолмасакан. Энди дарднинг орқада, саломатликнинг олдиндалиги рост бўлсин.

Беадад шукрки, йилларимизнинг номланиши миллий байрамимиздек қадр топди. Биз байрамларни яхши кўрамиз: уни кутамиз. Тайёргарлик кўрамиз. Шаҳару қишлоқда, энг чекка овулда ҳам бирдек шодиёна. Соҳага қаратилган эътибор юртнинг ҳамма гўшасини кафтдек қамраб олади. Кечагина эди, мўъжизадек амалга оширилган ишларга одамларнинг таажжублангани. Энди эса бу яратувчиликнинг кундалик ўзгариш эканлигига аллақачон кўникди. Ютуқларни ҳар ким ўзиники билди, қилинадиган юмушларни ҳам. Йилнинг номланиши шу соҳанинг тўйига — тараддудига айланди кетди. Хонадонларга йўлланган бахтнома бўлиб кириб борди... У тақиллатган дарвозаларнинг эшиклари эзгулик остоналари томон очилди. Бизнинг юртда шундай: орзу қилсанг, интилсанг — ҳар қадам ҳаракатингда умидларинг томирлайди. Ҳаёт қўлингга калит тутқазади. Катта йўл сенга пешвоз чиқади. Маҳорат билан одимлаш сенинг иқтидоринг! Мақсадингга мос қадамларингни дадил қўйиб, ундан йўлингни топасан. Шунда атрофга разм солиб ўзни топмоқлик нелигини англагандай бўласан. Орзуларингни узу-ун қиласан, гоҳида унга нарвон қўйгинг келади. Аммо улғайганинг сайин меъёр деган ўлчамнинг баҳоси умрнинг зийнатлиги кундай равшан бўлади. Бундай кўнглинг тўлиб, тиниқиб яшаш сирларини энг яқининг Онанг ва элинг ўргатади бирма-бир. Вақтида айтилган сўз гавҳар, ундан-да аъло. Кечиккан сўз эса ханжарнинг дайди тиғидек гап. Кеча билан бугуннинг оралиғи тарих! Гоҳида у бир қадам, гоҳи масофа олислагандек. Ҳакам — йилларнинг варақларини тўлдирган ҳар сатрда бугун кексаю ёшнинг инсондек яшаш саодати, шароитлар, имкониятлар поғонама-поғона юксалишлар муҳрланган. Унга монанд ҳаёт тарзимиз — дунё тарозусининг ўлчамларида бўйига ҳам, энига ҳам кенгайиб кашф этилди. Қадр топди, олам минбаридан жой олди. Кашфиётлар ичида бир сир-синоат борки, у фақат бизга — ўзбекка хос ДУОдир. У тонгни сузғичдан ўтгани мисол илоҳий туш.

Она тушларини боласига алла қилиб айтади, хиргойи қилади. Кўзларига термулиб, мурғак вужудида эзгуликнинг бешигини ясайди. Она билан бола — ҳаётнинг икки илдизики, бир-бирисиз бору йўқ! Кўҳна оламнинг бу илдизлари шаффоф булоқнинг қайноғида жон асрар, балким.

— Дунё асли бир дарахт, — юз билан юзлашаётган ота соқолларини силаб, кўзларини юмганча гап бошлайди, — унинг қил томири ҳам нокас-нопоклар арифига юзини тескари қилсин. Зинҳор-базинҳор унга яқинликдан Парвардигор асрасин...

Ҳа, дуо ярим давлат, ният ярим давлат — бир бутун бўлиб шу юртнинг осмонига илинган тумор! У оналарни, болаларни — уларнинг суянган, ишонган паноҳи — оталаримизни ёмон кўзлардан асраб-авайлаб туради. Оналарнинг эса шиори, сўрагани битта — эл тинчлиги, боласининг соғ-омонлиги ва ёруғ келажаги.

Бола эса онасини мудом кузатаркан, дафтарининг янги бир саҳифасига қайдларини битиб қўяди: “Онам чумолидек тинмайди. Йўқ... ер ўз ўқи атрофида айланганидек, кеча ва кундуз бўлиб ойу кун, йиллардек тўхтамайди. Қишнинг қаҳрини, баҳорнинг тошқинларини, ёзнинг жазирамаси-ю, кузнинг изғиринларини писанд билмайди. Қишдан сокинлик, баҳордан латофат, ёздан саховат, куздан эса ҳиммат сабоғини олган... Бувим эски уйимизнинг токчасига чироқ илиб қўярди. Менинг эса онамга, туғилган элимга меҳрим ичимда — кўксимда бир чироқ ёққанки, у ҳамиша ёлқинланиб тураверади. Бу ички шайлик ҳар қандай кураш майдонида ғолиблик нашидасини туйишга, муносибликка куч беради...”

Дадил сўз — жисмонан ва маънан соғлом фикр эгасининг қиёфаси. Бу журъат тинчлик-хотиржамликда ўзлигини топади. Униб ўсган эл фарзанди ҳар сония пиллапоялардан кўтарилиб боради.

Дунёдаги энг хушбўй, бағринг тўладиган овоз — тинчлик овози. У қуёш билан тенг ҳарорат беради... Дунёнинг ҳар бурчида қуёш чиқади, лекин талатўпларда унинг нурлари хира тортади. Ўзбекнинг юртида отган қуёш нурининг ҳар толаси заминга, инсонларнинг қалбига сингиб-сингиб ботади. Ва яна ҳар тонг оҳорли либосдек шу юртга ярашиб, ярақлаб чиқади, чиқаверади...

Оққушларнинг қанот силкишлари эшитилади, еру осмонга кабутарлар ёғилади...

**Дилфуза ШОМАЛИКОВА**

# ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ НАВРЎЗ

**Арафа**

Мамлакатимиз мустақиллиги сари қўйилган дадил қадамлардан бири 1990 йилда Наврўзни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши бўлди.

Мазкур қарор халқимиз томонидан қандай хурсандчилик, шоду хуррамлик билан кутиб олинганини ўша пайтда чоп этилган газеталардаги хабар ва мақолалар, шеърлардан ҳам билиш мумкин. Хусусан, ёшлар газетасининг 1990 йил 21 март сонида таниқли шоир Равшан Файзнинг «Наврўз» шеъри эълон қилинган эди. Унда шундай сатрлар бор:



*Қирларнинг тўшида эриётир қор,*
*Термулиб қор каби эрийдир кўзим:*
*Ҳоримай, соғ-омон келдингми, баҳор,*
*Келдингми, қадами қутлуғ Наврўзим?!*

*Энтикиб чопишдан чарчамас сабо,*
*Ям-яшил насимлар ётибди тўзиб.*
*Яна ёшлигингга қайтдингми, дунё,*
*Қайтдингми дунёга яна, Наврўзим?!*

Бу каби узоқ соғинчдан сўнг яна дийдорлашган кўнгиллар сурури ифодаланган мисраларни бошқа ижодкорлар асарларида ҳам ўқиймиз.

Бир яхши одам қадам ранжида қилса, уйингиз қандай нурга тўлиб кетади, юртга баҳорнинг ташрифи ҳам шундай севинчли. Кўклам элчиси бойчечакни кўрганда момоларнинг: «Етказганига шукр!» дея Яратганга ҳамду санолар айтиши ҳам бежиз эмас. Бу фасл қалбларда янги орзу чечакларини ундиради.

Қадимда ота-боболаримиз Наврўзни кеча билан кундузнинг тенглиги, йилнинг бошланиши, зироатчилик мавсумининг аввали сингари маиший турмушга муштарак жиҳатлари учун севиб нишонлаган бўлса, асрлар ва мингйилликлар оша бу байрамнинг фазилатлари ортиб, у чинакамига шодлик, бағрикенглик, поклик айёмига, бошдан-адоқ инсон сажияси, турмуши, яшаш тарзи, пировардида бутун ҳаётига эт билан тирноқдек боғланиб кетган улуғ байрамга айланди.

Миллатни миллат эканини кўрсатувчи бирламчи жиҳат унинг қадриятларидир, дейишади. Бир инсоннинг феъл-атвори, табиати, унинг қилаётган ишларида, юриш-туришида зоҳир бўлганидек, халқнинг маънавий қиёфаси урф-одатларида, хусусан, миллий байрамларида акс этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Наврўз халқимизнинг миллий менталитети, борлиққа, бутун оламга, инсониятга бўлган муносабатини кўрсатувчи муборак айёмдир.

Унинг биргина одамларни меҳр-оқибатли бўлишга чорловчи хислатини олиб кўрайлик.

Элчилик-да, нимадир сабаб туфайли бир-биридан араз урган оға-инилар, жигарлар, ёр-биродарлар бўлади. Ўртадан гина-кудуратни кўтариш, иноқликни қайтаришга энг яхши баҳона Наврўздир. Кайвони боболарнинг "Наврўзда ҳам киши мундай тўнглаб *(шевада: ранжиб, хафа бўлиб маъносида)* юрадими, ярашинглар!" дея икки жондай жигарни, ака-укани қучоқлаштириб, яраштириб қўйганини кўрган қанча-дан-қанча болалар қалбида яхшиликка ҳавас уйғонмаган дейсиз.

Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд тарафларда йилбоши деган маросим ўтказиш удуми бор. Одамлар кенг кўкаламга йиғилиб, ерга тўшалган кўрпачаларга ястаниб, баҳор неъматларига тўла дастурхон атрофида янги йил тадоригини кўради. Қиш қандай кечди-ю, кўклам қандай келаяпти, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачиликнинг эртаси ҳақида суҳбат қурилади. Чўпончўлиқ, подачи сайланади... Қариялар, ёлғиз кексалар, етим-есирлар, меҳр-мурувватга муҳтож инсонлар, беморлар ҳолидан хабар олинади. Бу янглиғ меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳиллик шу тариқа ёш авлод онгига ҳам сингиб боради. Қадимий урф-одатларимизнинг ёрқин намунаси ҳисобланмиш йилбошининг бундан ҳам бошқа фазилатлари бисёр.

Ҳашардек дунёдаги ҳеч бир миллат ва халқда учрамайдиган хайрли удум ҳам йилбоши, Наврўз билан бевосита боғлиқдир. Одамлар ушбу муборак кун сабабли кўчаларни, ҳовли-жойларни янада обод қиладилар. Дарахтларга ишлов бериб, боғларга чирой бахш этадилар.

Халқимиз бу айёмни нафақат шоду хуррамлик билан чиройли нишонлаган, балки унга атаб шеърлар, қўшиқлар тўқиган. Наврўзи олам шоиру адиблар ижодида юксак руҳда тараннум этилган. Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий:

*Ҳар тунинг Қадр ўлубон,*
*Ҳар кунинг ўлсун Наврўз,*

— дея лутф этган, хуш тилак билдирган бўлса, Муҳаммадризо Огаҳий улуғ салафининг йўлини давом эттириб, шундай ёзади:

*Илоҳи ҳар кунинг*
*наврўз бўлсин,*
*Ҳамиша толеинг*
*феруз бўлсин.*
*Бўлуб айёми*
*наврўзинг муборак,*
*Замиринг инбисот*
*андуз бўлсин...*

Ҳа, Наврўз — миллий ўзликка дахлдор байрам, халқимиз қалбини неча минг йиллардан бери ёритиб келаётган машъал, азиз қадриятимиздир.

**Элмурод НИШОНОВ**

# ТИНЧЛИГИМИЗ ВА ФАРОВОНЛИГИМИЗ РАМЗИ

Бошланиши 1-бетда

Зотан, Наврўзи олам нафақат янги йилнинг бошланиши, кўклам ва табиат яшаришининг гўзал ибтидоси, мустақиллик шабадаси эпкинида миллийлик ва маънавиятнинг қайта тикланиши, балки жаҳолатга қарши адолат ва маърифат тантанаси, халқ ақл-идроки ғалабаси ҳамдир.

Наврўз байрамининг жуда катта тарбиявий-маърифий хусусиятлари, одамийлик, инсонпарварлик, умумбашарий сифатлари ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Бинобарин, бу айёмда оламда, табиатда бўлаётган яшариш, янгиланиш ҳолати инсонларнинг ҳам қалбига кўчади. Дарҳақиқат, биз ушбу умумбашарий, умрбоқий яхшиликларни тарғиб қилувчи азалий ва навқирон байрамимизни ҳар қанча таъриф этсак, уни яхши анъаналар билан бойитсак арзийди-да! Наврўзни ривожлантириш эса, унинг даврлар, асрлар оша бизга қадар етиб келган халқчил анъаналарини тиклаш, қолаверса, уни замонамиз, халқимиз манфаатлари, ҳаёти, мақсад-умидлари, некбинлик, бахтиёрлик, шукроналик ва олийжаноблик фазилатларига боғлаш асосидагина амалга оширилиши мумкин!

Шарқона янги йилимиз, тинчлигимиз ва фаровонлигимиз рамзи, баҳор даракчиси Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

**Жаҳонгир ШИРИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати**




ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

"Асака" банк жамоаси

*Сизларни «НАВРЎЗ» байрами билан чин юракдан муборакбод этади!*
*Юртимиз янада обод ва халқимиз ҳаёти бундан-да фаровон бўлсин!*
*Дастурхонлардан қут-барака, турмушингиздан файз аримасин, азиз ватандошлар!*
*Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга эга бўлган Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин!*

Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:

«НАВРЎЗ — 2016»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 29 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.**
**Мурожаат учун телефонлар:**
**120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 | Асака филиали | 374 | 233-21-99 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 | Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 | Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 | Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 | Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 | Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади**



**Сизнинг омонатларингиз:**
- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
- **маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
- **миқдори чекланмаган!**

"Асака" банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Reklama **www.asakabank.com** ***Хизматлар лицензияланган***


# СУМАЛАК — баҳордан берар дарак

**Шукрона**

Зимистон кечалар ёриша бошлади. Кунлар узайиб, атрофга илиқлик ёйилди. Субҳидамда сарин шаббодалар эса бошлади. Кўнгил энтикади: Баҳор келаяпти... Баҳор теварак-атрофга уйғониш, жонланиш саодатини ато этади. Бу жонланиш инсон қалбига кўчади. Қишдан чиқиб илик узилди дамларида қувватбахш таомларни кўнгил тусайди.

Келинчак баҳорнинг қутлуғ ташрифидан нишона бўлиб унган ялпизлару жағ-жағлар, момоқаймоқлардан турли таомлар тайёрланади. Қачонки, пиёлаларда товланиб турган сумалаклар келтирилганда инсон ажиб қониқиш ҳиссини туяди. Баҳор ва сумалак биз учун гўё эгиз тушунча. Бир-бирларини кам-кўстини тўлдириш учун биргалашиб, бошлашиб келадилар гўё...

Баҳор аввало, заминга зангори гиламлар тўшайди. Дарахтларга гуллардан оппоқ, пушти либослар кийдиради. Баҳор ҳар бир инсон қулоғига шивирлайди: туроқол, қиши билан мудраганинг етар, эй одамзод, эртўлада кетмонинг ҳам занг босиб қолгандир. Кетмон, белкурак, ҳаскашларни келтир, енгингни шимар, она заминни обод қил, тупроққа бир уруғ ташласанг, у сенга минг қилиб қайтаради, бир дона гул кўчат эксанг, тез орада хуш ислари билан димоғингни, хуш хаёллар билан дилингни чоғ қилади... бу дамларни ғанимат бил...

### Бу тош гўё мўъжиза...

Сумалак сайли йилдан-йилга ёшариб бормоқда. Авваллари бу йиғинлар нуроний кексалар иштирокида ўтказилар эди. Ҳозир сумалак пишириш билан боғлиқ тадбирлар ҳамкасблар, маҳалладошлар, талабалар, ҳатто мактабнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида ҳам ўтказилмоқда. Сумалак тайёрлашга тадорик кўрилаётганда кўпчилик унга ўз ҳиссасини қўшиш пайига тушади. Кимдир ўтин ташийди, кимдир қозон келтиради, кимдир буғдойнинг ширасини сиқишга киришади. Болажонларга ҳам иш топилади. Улар кўча четларидан, ариқ ичидан майда, ранго-ранг тошларни териб келтиришади. Сумалакдан чиққан тош анча вақтгача чўнтакларда сақланади. Аслида бу тошчалар сумалак тагига олмаслиги ва ун таомда бир текис ёйилиши учун солинади. Яхши ниятларнинг хосиятидан шу тошчалар ҳам ўзгача файзли кўринади, шекилли, кимнинг идишига сумалак билан бирга тош ҳам тушса ўша инсоннинг қувончига қувонч қўшилади. Сумалак тоши яхши ниятларнинг ижобатига етказувчи мўъжиза каби ардоқланади. Ният яхши бўлса кимнингдир бошини ёриши мумкин бўлган тош ҳам эзгуликка хизмат қилади.

### Ҳумо келди...

... Синфдошлар бир бўлиб сумалак сайли уюштиришни режалаштиришди. Аммо 20-30 болани сумалак баҳона эрталабгача мусиқа садолари остида рақс кечаси ўтказишларини ўйлаб кўп ота-оналар рухсат бермадилар. Анча уринишлардан кейин Ҳилола исмли қизнинг онаси ўз уйида сумалак сайли ўтказишга изн берди. Синфдошлар севинчининг чегараси йўқ. Улар айни пайтда коллежларда ўқишар, мактаб даврини эслаб, бир-бирини суҳбатини қўмсаб юрган эдилар. Сумалак деган кун улар ўзлари учун қизиқ бўлган мусиқаларни, клипларни қўл телефонларга ўтказиб, айниқса, қизлар сочларини янгича турмаклатиб, чиройли кийиниб, етиб келдилар. Бир-бирлари билан ҳазил-мутойиба қилишиб, сумалак учун керакли масаллиқни қозонга солдилар. Энди мусиқани баландлатиб рақсни бошлай деб туришган эдики, ҳовлига уч-тўртта қўшни аёл кириб келишди. Улар ҳам яхши ниятлар билан капгирни айлантиришди. Гап орасида ёшлик йилларини эслаб ўзлари ҳам кулишди, синфдошларни ҳам хўп кулдиришди. Уларнинг бир-биридан қизиқ ҳикояларини эшитиб синфдошлар орзиқиб кутаётган кечанинг бадиий қисми – "дискотека" ҳам ёдларидан кўтарилди. Айниқса, аёллар орасидаги шаддодгина Руқия опа ўртага тушиб лапарлар айтиб, қошини шўх чимириб, улардан жавоб кутганда синфдошлар ҳам дарҳол "бисот"ларидаги халқ қўшиқларини қидириб, шошиб қолишди. Ҳа, режа буткул ўзгариб кетди. Янги "хит" қўшиқлар ҳам бир четда қолиб кетди. Қўшни аёллар кетар чоғида ёшларга: энди сумалак тепасида яхши ниятлар қилиб, халқ қўшиқларидан, ҳикоят ва ривоятлардан сўзлашиб ўтиринглар, ҳаё билан ўтирсанглар, сумалак юзида эрта тонг Ҳумонинг сурати пайдо бўлади, дея ярим ҳазил, ярим чин насиҳат қилиб чиқиб кетишди...

Эрталаб синфдошлар маҳалладан ўтиб кетишаётганда қўни-қўшнилар бир-бирларига: "Бу болалар ақлли-ҳушли экан, кеча сумалак қилишди, одоб сақлаб, маҳаллада ёш-қарини ҳурмат қилиб, таомилига амал қилиб ўтказишди", дея ҳавас билан кузатиб қолишди...

Маҳалла-кўй, жамоанинг тарбияси самарали бўлади.

### ...Сеҳрли таом

Сумалак катта қозоннинг таоми. Унинг аниқ тайёр бўлиш вақти белгиланмаган. Яна шундай фурсат бор эканки, ана ўша чоғда таомлар шоҳи сумалакка ўзига хос таъм ва ранг бахш этилар экан. Бу таомни баҳор чоғлари тўйиб еган инсон йил бўйи тетик, бардам бўлар экан. Дарҳақиқат, сумалак аҳилликнинг, иноқликнинг, бирдамликнинг тафтида етилади. Сумалак инсоний ришталарни боғланишига хизмат қилади. Маҳаллада сумалак қилинармиш, деган гап ораласа, маҳалладошларнинг юраги севинчдан орзиқиб кетади. Бу тадбирнинг ўзига хос масъулиятини ҳис этиб, дарров ишга киришиб кетадилар. "Кўнгли пок-у, ўзи пок" юртимиз аҳли сумалак сайлини ҳам озодагарчилигу ободончиликдан бошлайди. Сумалак покликни хуш кўради. Дастлаб буғдой ундирилаётганда унга сув сепиб турувчи инсон ҳам покликка риоя этиши талаб қилинади. Бу поклик кейин дилларга кўчади. Сумалак сайли баҳонасида эски гина-кудуратлар, адоватлар унутилади, аразлашганлар ярашадилар, узоқ-яқиндан келганлар бир-бирлари билан дийдорлашадилар. Файзли, тўкин-сочин кунларга шукроналик келтирилади. Шуларни ўйлаб ич-ичимиздан иқрор бўламиз — Сумалак сеҳрли таом.

**Малика АҲМЕДОВА**


HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*

Адади: 5100 Буюртма — S-5399 1 2 3 4 5

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*

**Телефон:** (0-371) 244-32-68, 244-32-88
**Тел-факс:** (0-371) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг бўлими:** (0-371) 244-32-91
**Самарқанд:** (0-366) 233-62-12

**Топшириш вақти** — $20^{00}$ **Топширилди** — $20^{00}$

ISSN 2010-7528

*Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

**Манзилимиз:** 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор* Фахриддин Раҳимов *томонидан саҳифаланди.*
**Навбатчи:** Жобир Хўжақулов
**"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.**
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.**